

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
БОБ I. Дискурс тушунчаси ва унинг моҳияти.	7
1.1. “Дискурс”ни изоҳлашга ҳар хил ёндашувлар.....	7
1.2. Дискурс, матн ва контекст муносабати	14
1.3. Дискурс ва баҳолаш фаолияти. Баҳо тушунчаси ва унинг моҳияти	20
1.4.Дискурс таҳлил усуллари	26
Биринчи боб бўйича хулосалар	33
БОБ II. Оғзаки ва ёзма матн дискурс таҳлили	36
2.1. Матннинг дискурс таҳлили.....	36
2.2. Инглиз тилида нутқ актларини ифодалаш йўллари.....	40
2.3. Сўзлашув дискурси таҳлили.....	44
2.4. Матнда грамматик боғланишлар ва матннинг шаклланиши.....	48
Иккинчи боб бўйича хулосалар	54
ХУЛОСА	57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	62

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топа бориши, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланишига боғлиқдир. Бугунги кунда “иймон- эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш..., яъни мустақил дунёқарашга эга, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялашдан иборат”[1:37].

Етук кадрлар тайёрлаш, нутқ маданиятини шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тил тизимида оид ходисаларнинг туб моҳиятини аниқлаш, уларнинг лисоний фаолият жараёнида тутган ўрни, бажарадиган вазифаларини равшан тасаввур қилиш эҳтиёжи туғилади. Бу эса, ўз навбатида, тил тизимини илмий таҳлилнинг янги методологик ғоялар заминидан таркиб топаётган йўналишлар, услублар асосида ўрганишни тақозо этади.

Барча бошқа илмий тафаккур соҳаларида бўлганидек, кейинги йилларда тилшунослик ҳам ўз диққат марказини инсонга қаратди, унинг асосий ўрганиш объекти сифатида инсоннинг лисоний фаолияти танланди. Натижада, тил бирликларнинг кишилар томонидан нутқий мулоқот шароитларида қўллаш ва шу йўсинда қандай мақсадга эришиши масаласи лингвистик таҳлилнинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири дискурс масаласидир.

Дискурс латинча *discursus* - муҳокама сўзидан олинган бўлиб, ҳиссий, бевосита, интуитив, яъни муҳокаматалаб билимдан фарқли ўлароқ, муҳокама орқали восита билан ҳосил қилинадиган мантиқий далил - исботли билим демакдир. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса,

замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида изоҳланмоқда.

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси саккиз хил маънода қўлланган: 1) сўз муқобили; 2) фразалардан ўлчами бўйича ортадиган бирлик; 3) нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири; 4) суҳбат; нутқда сўзловчи позицияси; 6) Лисоний бирликлардан фойдаланиш; 7) фикрнинг ижтимоий ёки мафкуравий чекланган тури; 8) матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилмалар.

Дискурс воқеликдаги ҳодисага турлича муносабат билдириш имкониятини беради ва ушбу муносабат мулоқот вазиятларида турлича ифодаланади.

Тадқиқот ишимизнинг долзарблиги оғзаки ва ёзма матн дискурс-прагматик таҳлиliga аввалги ишларда кам эътибор берилганлигида эмас, балки мулоқотда нутқ тузилмаларининг турли дискурс–прагматик контекстда нутқий ҳаракатларни ифодалаш хусусиятларини ҳамда уларнинг дискурс таҳлилинини ўрганишимиздадир.

Ишнинг объекти прагматик таҳлил учун турли инглиз бадиий матнларидан олинган мисоллар ва структуралар намуналаридан иборат фактик материаллардир.

Тадқиқотнинг мақсади гапларнинг дискурс ва коммуникатив матнда қўлланилиши прагматик-функционал факторларини ўрганиш. Фикримизча, тил бирликларининг функционал-прагматик хусусиятларини антропологик ёндашув нуқтаи-назаридан ўрганиш уларнинг дискурсда ишлатилиш манзарасини тўлиқ намоён қила олади.

Ишимизнинг мақсадидан келиб чиқиб, битирув малакавий ишимизда **қуйидаги вазифаларни** ўз олдимизга қўйдик:

- 1) Матннинг дискурс таҳлил усулларини аниқлаш.
- 2) Гапларнинг дискурс таҳлилинини нутқ актлари назарияси доирасида ёритиш.
- 3) Оғзаки ва ёзма матн дискурс таҳлилинини ўрганиш.

4) Матн шаклланишида грамматик боғланишлар ролини ёритиш.

Замонавий инглиз ва америка муаллифларининг бадиий асарлари, изоҳли ва фразеологик луғатлар **ишнинг материали** бўлиб хизмат қилди.

Олдимизга қўйилган вазифалар ҳамда тадқиқот объектининг лисоний хусусияти ишимизда қуйидаги **лингвистик тадқиқот методларини** қўллашимизни тақозо этди: тил бирликлари мазмунидаги прагматик-дискурсив маъно компонентларини очиш учун компонент таҳлил методи. Гапларнинг контекст, ситуациядаги маъноларини очиш учун контекстуал таҳлил методи. Қиёсий солиштириш методи ҳамда лингвистик эксперимент методи. Тизимли таҳлил методи [35].

Ишнинг асосида антропоцентризм принципи ётади. Бу принципга кўра, гапларнинг прагматик функциясини изоҳлайдиган асосий фактор тилдаги инсон факторидир. Инсон, аниқроғи унинг нутқи тил элементлари функционал-прагматик аспектлари таҳлилида бош манбадир. Мулоқот жараёнида ишлатиладиган гаплар аввало, инсоннинг вербал фаолиятида объект сифатида тадқиқ қилинди. Ишда қўлланилган асосий илмий методологик принциплар жумласига ўрганилаётган ҳодисага комплекс ва тизимли ёндашув принципи ҳам киради.

Тадқиқот **ишимизнинг илмий янгилиги** шундаки, оғзаки ва ёзма матннинг дискурс таҳлили илк бор кенгроқ кўламда таҳлил этилмоқда.

Тадқиқот натижалари назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ишнинг назарий аҳамиятини қуйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин. Дискурсив дистрибуциялар таҳлили асосида гапларнинг белгили спецификаси очилади. Нутқ актлари назарияси, интенционал ҳолатлар назарияси, дискурс назарияси ва аргументация назарияси ҳамда гапларни дискурс таҳлилини ўрганишнинг бир қанча бошқа назариялари гапларни нутқий таъсир воситаси сифатида тасниф қилиш имконини беради.

Ишнинг амалий аҳамияти унинг дискурс таҳлил фанлари машғулотларида, курс ишлари, битирув малакавий ишларда фойдаланилиши мумкинлигида кўринади.

Ҳимояга қуйидаги асосий ҳолатлар олиб чиқилади:

1. Оғзаки ва ёзма матннинг дискурсив-прагматик таҳлили.
2. Тил бирликларининг нутқий ҳаракатларни амалга ошириш воситаси эканлиги.
3. Матндаги грамматик боғланишлар матнлашув воситаси эканлиги.

Ишнинг структураси кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва луғатлар рўйхати, мисоллар йиғилган бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат.

БОБ I.

Дискурс тушунчаси ва унинг моҳияти

1.1. “Дискурс”ни изоҳлашга ҳар хил ёндашувлар

Замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири дискурс масаласидир.

Дискурс латинча *discursus* - муҳокама сўзидан олинган бўлиб, ҳиссий, бевосита, интуитив, яъни муҳокаматалаб билимдан фарқли ўлароқ, муҳокама орқали восита билан ҳосил қилинадиган мантиқий далил - исботли билим демакдир. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида изоҳланмоқда.

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси саккиз хил маънода қўлланган: 1) сўз муқобили; 2) фразалардан ўлчами бўйича ортадиган бирлик; 3) нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири; 4) суҳбат; нутқда сўзловчи позицияси; 6) Лисоний бирликлардан фойдаланиш; 7) фикрнинг ижтимоий ёки мафкуравий чекланган тури; 8) матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилмалар.

Голланд тилшуноси Т. А. ван Дейк дискурсни бир нечта даражада кўриб чиқишни таклиф қилади [7]. У кенг маънода дискурсга комплексли коммуникатив воқеа, тор маънода эса коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки нутқий вербал маҳсулоти сифатида қараш лозимлиги ҳақида фикр билдиради. Таъкидлаш керакки, Т.А. ван Дейк дискурс ва матн ўртасидаги фарқни шундай белгилайди: дискурс - актуал айтилган матн, яъни фаол нутқий ҳаракат, матн эса тил тизимига ёки шаклий лисоний билимларга тегишли фикрларнинг мавҳум грамматик тузилишидир. Дискурс - аниқ

суҳбат, аниқлик эса дискурс тушунчаси қўлланадиган вазиятга, матнга ва объектга ҳам бирдай тааллуқлидир. Дискурс - суҳбат тури. Дискурс жанр кабидир. Нутқий жанр - типик тузилиши, лисоний воситалардан фойдаланишнинг ўзига хослиги, аниқ адресат, маълум коммуникатив мақсад ва информативлик, императивлик, этикетлик каби жиҳатлари билан ажралиб турувчи нутқ тури ҳисобланади.

Дискурснинг ижтимоий табиати янгиликли дискурс, публицистик дискурс, сиёсий дискурс, илмий дискурс, бадиий дискурс, баҳоловчи дискурс каби янги тушунчаларнинг юзага келишига имкон беради. Талқин ва изоҳларнинг хилма-хиллиги дискурс тушунчасининг кўп қиррали ва кенг қамровли эканлигини кўрсатади. Инсоннинг нутқ орқали амалга ошадиган барча ижтимоий фаолияти дискурсив характерга эга. Нутқнинг ижтимоий моҳияти матн билан боғланган бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари матннинг у ёки бу кўринишида намоён бўлади. У аниқ сопиопрагматик матнда амалга ошириладиган, мураккаб мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат сифатида бир томондан, нутқнинг тарихийлиги билан, иккинчи томондан, ижтимоийлиги билан, учинчи томондан, мафкуравийлиги билан боғлиқ. Маълум бир индивидуал дискурснинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши нутқнинг лингвопрагматик табиати тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради.

В.3. Демяньков фикрига кўра, XX аср сўнгидаги тилшуносликдаги устун назариялардан бири дискурс таҳлил назариясидир. Дискурс таҳлилнинг мақсади нега бошқа эмас, айнан шу гаплар ишлатилган, нега айнан шу ижтимоий манбалар ишлатилишининг кучлари ишга солинганлигини тушунтиришдир [14].

Ушбу тадқиқот ишида дискурс таҳлил кишиларнинг қандайдир мақсадларга эришишга йўналтирилган ўзаро ҳаракат қилишлари контекстида коммуникантлар нутқ ва ҳаракатларни қандай тушунтирадилар ёки тушунадилар, сўзлашувда бўлганидек, бундай мурожаатлар иккала томон учун ҳам тушунарлими, ёки биз ўқиган ёки ёзган пайтимиздагидек фақат бир

томон учун тушунарлими, шу нарсаларнинг характеристикасини бериши керак.

Бундай вазифа, фикримизча, хабарларнинг коммуникатив функцияси деталлашиши ҳисобига дискурс таҳлилни кенгайтиришга мажбур этади. Интерпретация (тушунтириш, изоҳлаш) бу жараённинг боришида ишлатиладиган умумий ва махсус билимларга таянади.

Нутқий бўлакларни прагматик ва коммуникация (мулоқот) контекстида ўрганиш алоҳида қизиқишга сабаб бўлади деб ўйлаймиз. Прагматик ва коммуникатив параметрлар уюшган бўлакларни ўрганишда асосий ўринни эгаллайди. Ўрганилаётган ҳодисага тизимли ёндашув принциpidан келиб чиқиб, нутқ бўлақларининг бу параметрларини уларнинг максимал даражада тўлиқ ишлатилиш контекстида кўриш керак. Фикримизча, дискурс шундай контекст бўлиб хизмат қилади.

А.М. Каплуненко сўзларига кўра, “ Адекват (тўғри) интерпретация учун камгина матннинг ўзи ҳам етарли. Шунинг учун матнда айтилган гап (фикр) ортидаги дискурс, билимларни ҳам англай олиш бутунлай қонунийдир (табиийдир)” [16:100].

“Дискурс” ушбу тадқиқотда принципиал аҳамиятга эга бўлганлиги учун унга алоҳида эътибор қаратамиз. “Дискурс” ва “матн” тушунчалари, ҳамда уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни мантиқий бўлади деб ўйлаймиз.

“Дискурс” тушунчаси лисоний мулоқот таҳлилига ўз шахсий нуқтаи-назари билан бир қадар идеологик ёндашувни тақозо қилади. Мишель Фуко бу сўзни кенг қамровли маънода кўриб чиқиб, дискурсни лисоний эмас, балки умуммаданий тушунча деб ҳисоблайди. У ёзади: “ ... Дискурс, шубҳасиз – белги ҳодисаси, лекин бу - нарсаларни ифодалаш учун белгиларнинг шунчаки ишлатилишидан кўра кўпроқ иш бажарадиган ҳодиса. Айнан унинг ана шу кўпроқ иш бажариши уни тил ва нутққа қиёслаб бўлмаслигини таъминлайди” [26]. М. Фуко тушунчаси бўйича дискурс бирлиги ва “атом”и бу фикрдир. Фикрлар мажмуи дискурсив формацияларни

ташқил қилади. Фуко формацияларга инсоният жамиятининг иқтисодиёт, сиёсат, тиббиёт, тирик жонзотлар ҳақидаги фанлар каби иқлимий дискурс ҳақида гапиришга изн берадиган дискурсни, табиий тарих дискурсини, психиатрия дискурсини киритади. Фуконинг тан олишича, “дискурс”тушунчасининг бундай ишлатилиши ҳамма томонидан қабул этилмаган, бироқ тилшунослар унга бутунлай бошқача маъно берадилар. Тилшунослик бўйича тадқиқотларда “дискурс” экстралингвистик, прагматик, ижтимоий маданий, психологик ва бошқа факторлар билан биргаликдаги боғланган матн деб талқин қилинади.

Ю.С. Степанов дискурсга В.З. Демяньков берган таърифни энг яхши таъриф деб ҳисоблайди. “Discourse– битта гапдан ёки мустақил гап қисмидан кўпроқ матннинг ихтиёрий фрагменти. Кўпинча, лекин доимо эмас қандайдир таянч концепт атрофида жамланади. Ҳаракатланадиган шахслар, объектлар, ҳолатлар, замонлар, ҳаракатларни тасвирлайдиган умумий контекстни ҳосил қилади. Дискурс гапларнинг кетма-кетлигидан эмас, уни ҳосил қиладиган ва талқин қиладиган, дискурс билан “яратиладиган” олам томонидан аниқланади”. Қайд этиш керакки, таърифнинг бу қисмида В.З.Демяньков дискурснинг интенционал тузилишини ифодаляпти, чунки бу ерда гап талқин этувчи олам ҳақида, яъни интенционал горизонт ва интерпретация контексти ҳақида кетаяпти. Шу билан бирга дискурс мантикий тузилишга ҳам эга деб ҳисоблайди ушбу таъриф муаллифи. Дискурс учун бошланғич тузилиш конъюнкция, дизъюнкция ва бошқа мантикий муносабатлари билан ўзаро боғланган элементар пропозициялар кетма-кетлиги кўринишига эга. Дискурс элементлари: баён этилган воқеа-ҳодисалар, уларнинг қатнашчилари, перформатив ахборотлар ва ҳодисалар эмас, яъни, а) ҳодисалардан кейинги ҳолатлар; б) ҳодисаларни аниқлаштирадиган фон; в) воқеа-ҳодиса қатнашчилари баҳоси; г) дискурсни воқеалар билан солиштирийдиган ахборот [23:37-38].

Иккала таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дискурсни барча экстралингвистик факторлар билан биргаликда, дунё, фикрлар, қарашлар,

баҳо, адресантнинг мақсадини ўз ичига олган матн ёки ҳаракатдаги нутқ деб тушунса бўлади. Шундай қилиб, дискурс кенгроқ ва очиқроқ тушунчадир.

Ю.С.Степанов дискурсни муқобил дунё, факт, сабаб тушунчалари билан боғлайди. У шунингдек дискурсни алоҳида ижтимоий борлик кўринишида намоён бўлган “тил ичидаги тил” сифатидаги кенг лингво-фалсафий изоҳини беради [24]. Бунда дискурсни шунчаки тил сифатида грамматика, стиль ёки лексикон каби ҳисоблаб бўлмайди. У энг аввало, матнларда мавжуд, лекин шундай матнлардаки, уларнинг ортида алоҳида грамматика, алоҳида лексикон, алоҳида сўз ишлатилиш ва синтаксис қоидалари, алоҳида семантика мавжуд бўлган матнларда, бир сўз билан айтганда дискурс алоҳида дунёдир. Гарчи Ю.С. Степанов дискурсни матнларда мавжудлиги ҳақида айтган бўлса-да, унинг дискурсни алоҳида дунё сифатида кўриши дискурс матн доирасидан ташқари тушунча деб хулоса қилишга олиб келади.

Энди бир қанча хорижлик тилшуносларнинг дискурс тушунчасини қандай аниқлашганликларини кўриб чиқамиз. Дебора Шифрин бу тушунчага уч томонлама ёндашади. Биринчи ёндашув тилшуносликнинг формал йўналтирилган позициясидан дискурсни шунчаки гап ёки сўз бирикмаси даражасидан юқорида туради деб ҳисоблайди - “language above the sentences or above the clause”(Макаровдан) [22:69]. Иккинчи ёндашув дискурсга “the study of discourse is the study of any aspect of language use”, “тилнинг турлитуман ишлатилиши” сифатида функционал таъриф беради. Бу ёндашув тилнинг кенг ижтимоий-маданий контекстдаги вазифасини ўрганишни назарда тутди. Учинчи ёндашув шакл ва функциянинг ўзаро ҳаракатини таъкидлайди: дискурс-фикр - “discourse as utterances” [22.:70]. Бу таърифга кўра дискурс “гапдан каттароқ “ бўлган лисоний тузилмаларнинг ажратиб олинган примитив йиғиндиси эмас, тил ишлатилишининг функционал ташкил қилинган, контекстуаллашган бирликларининг мажмуидир.

Роберт де Богранднинг ушбу тушунчага ёндашуви шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Олим бу тушунчани бошқача назар билан, айтиш мумкинки,

мутлақо оригинал контекстда ёритади. Боғранд таъкидлайдики, реал дунёда тил ўз-ўзича мавжуд эмас. “Сиз канал соҳилида сайр этаётган голланд тилини, бир чашка чойдан хузур қилаётган инглиз тилини ёки қандайдир иш билан машғул немис тилини тополмайсиз. Сиз фақат дискурсларни, яъни реал коммуникатив воқеаларни топасиз [36:36].

Бундай нуқтаи-назарни дискурс назариясини ишлаб чиққан етакчи олимлардан голланд тилшуноси Т.ван Дейк ҳам билдиради. У ҳам дискурсни коммуникатив ҳодиса деб ҳисоблайди. Кишилар тилни ўз фикр ва ғояларини узатишда ишлатадилар. Бу ўз навбатида мураккаброқ ижтимоий ҳаракатларнинг бир қисми ҳисобланади [37]. Т.ван Дейкнинг тушунчасига кўра дискурс – бу тилнинг ишлатилиши, фикр ва эътиқодларнинг берилиши, нутқий таъсирдир.

Дискурс тушунчасини кўриб чиқишда “дискурс” ва “матн” ўзаро муносабатларига ойдинлик киритиш талаб этилади.

В.Г.Борьботконинг таъкидлашича, матн дискурсга нисбатан умумийроқ тушунчадир. Олимнинг фикрича, дискурс ҳам матн, фақат коммуникатив бирликлардан ташкил топган матн. Гапларнинг каттароқ бирликларга бирикиши ва уларнинг ички маъновий боғланишларга эга бўлиши уларни бир бутун тузилма деб ҳисоблашга имкон беради. Дискурс деб, масалан, ҳикоя, матнлар, мақолалар, чиқишлар, шеърларни ҳисоблаш мумкин [8]. Шу билан бирга В.Г. Борьботко дискурснинг “юқори коммуникатив бирлик” сифатидаги статусини инкор қилмайди [8:104].

Баъзи тилшунослар “дискурс” ва “матн” категориясини фарқлашга ҳаракат қилиб, бу тушунчалар ўртасидаги ўзаро боғланишни аниқламоқчи бўладилар. Дискурсни “матн плюс ситуация”, матнни эса “дискурс минус ситуация” қабилида таснифлашни таклиф қиладилар [42:240].

Баъзан бу категорияларни фарқлашда ёзма матн оғзаки матнга қарама-қарши қўйилади. И. Р. Гальперинда матннинг қуйидагича изоҳини кўрамиз. “Матн – нутқий ижоднинг ёзма шаклда кўриниши” [10:18]. З. Я. Тураева оғзаки нутқни эътибордан четда қолдириб, матннинг жуда тор таърифини

беради. Унинг айтишича, “матн – ёзма ҳужжат шаклида объектланган тугалланганликка эга нутқий ижодий жараённинг маҳсули” [25:11]. Тил ва нутқни формал ўрганувчилар учун характерли бўлган ушбу ёндашув бу категорияларни лисоний борлиқнинг фақат икки шаклига – ёзувдан фойдаланувчи ва фойдаланмайдиганларга бўлиб ўрганишни назарда тутди. Бу дихотомияга асосланиб бир қатор тилшунослар дискурс таҳлилни объекти оғзаки нутқ ва ёзма матн тилшунослиги бўлиши керак деган фикрдалар [40]. Бундай ёндашувнинг қўл келмаслиги баъзан кўринадиди, масалан, докладни айтиш пайтда ҳам ёзма матн ва чиқиш қилишдир (коммуникатив ҳодиса). Гарчи бу табиатига кўра монологик нутқ бўлса-да, ушбу фаолият турида лисоний мулоқотнинг бутун спецификасини акс эттиради.

Жуда кўп функционал йўналтирилган тадқиқотларда дискурс ва матнни бир қанча оппозитив критериялар: функционаллик-структуравийлик, жараён-продукт критериялари бўйича қарама-қарши қўйиш тенденцияси кузатилади. Шунга кўра структур матн – продукт (маҳсулот), функционал дискурс-жараён деб фарқланмоқда [29]. Баъзи тилшунослар дискурсни одатда бир муаллифга тегишли бўлган матнга қарама-қарши равишда ўзаро нутқий таъсирнинг интерактив усули деб тушунтирмоқдалар. Бундай қарама-қарши қўйиш диалог ва монологнинг анъанавий оппозициясига яқин. Дискурс ива матнни бундай фарқлаш ўринсизлигини Т. Ван Дейк кўрсатиб ўтган. Дискурсни гапирувчи ва реципиент каби тилдан фойдаланувчиларни ўзида жо қилган вербал ўзаро таъсир шакли сифатида қараб, олим таъкидлайдики, “матн ҳам ўзаро таъсир шаклидан кўра вербал актлар маҳсулидир” дейди ва яна таъкидлайдики, “ ... бироқ бунга қарамасдан матннинг ҳам муаллиф ва ўқувчи каби ўз “фойдаланувчилари” бор” [37:3]. Равшанки, биз ёзма ўзаро таъсир ҳақида гапира оламиз.

Шундай қилиб, дискурс ва матн ўртасидаги фарқларга қарамасдан, улар ўртасида ўхшашликлар бор. Т. Ван Дейкнинг ҳисоблашича, бу матнни дискурсда реаллашадиган абстракт назарий конструкт сифатида “дискурс” тушунчасига киритиш учун етарли [37]. Гап ҳам фикрда актуаллашади. Ж.

Лич айтганидек, матн хабарда реаллашади ва бу орқали дискурс амалга ошади [41:59].

Кўриб турганимиздек, замонавий тилшунослик “дискурс” тушунчасига турли-туман ёндашувлар билан бойдир. А. М. Каплуненко “дискурс” ва “матн” тушунчаси муносабатини аниқ ифодалайди. Олимнинг фикрига кўра “дискурс анча кенг универсал тилшунослик объекти бўлиб, у нафақат нутқнинг тил структурасини ўз ичига олади, балки коммуникатив ситуацияларнинг бир типдаги параметрларини, коммуникантларнинг ўзига хосликларини, мулоқот қурилиши стратегиясини ўз ичига олади. Дискурсдан фарқли равишда матн нутқнинг структур-маъновий параметрлари доирасидан ташқари чиқмайдиган анча специфик ва тор кўринишни намоён қилади [18]. Дискурсни бундай кенг тушуниш бугун бу масалага тегишли барча лингвистик адабиётларда учрайди. Албатта, буларнинг ҳаммасини қамраб ололмаймиз ва асос сифатида Т. Ван Дейкнинг қарашини қабул қиламиз. Унга кўра дискурс бу мураккаб коммуникатив ҳодиса, у матндан ташқари экстралингвистик факторларни (матнни тушуниш учун зарур бўлган дунё ҳақидаги билим, фикрлар, қарашлар, адресатнинг мақсадини) ҳам ўз ичига олади. Олимнинг қарашларига эргашиб дискурсни уч аспектда кўрамиз: 1) тилнинг ишлатилиши, 2) ғоя ва эътиқодларнинг берилиши (мулоқот), 3) ижтимоий –шартли ситуацияларда ўзаро ҳаракат.

Аниқ кўриниб турибдики, уч аспектни ўрганишга интеграцион ёндашув тил ишлатилишининг ғоя ва эътиқодларнинг берилишига қандай таъсир кўрсатиши ва аксинча, ўзаро ҳаракат аспектлари кишиларнинг қандай гапиришларига қандай таъсир кўрсатишлари ва мулоқот жараёнида эътиқодлар тил ишлатилиши ва ўзаро ҳаракатга қандай таъсир этиши ҳақида тасаввур беради.

1.2. Дискурс, матн ва контекст муносабати

Дискурс атамаси субъектив, ижтимоий-маданий, шунингдек, стереотип, преседент (намунали) фикрлар, монолог ва диалог кўринишидаги нутқий

фаолият жараёнини ифодаловчи тушунчаларни қамраб олади. Амалда, дискурс - бу матннинг шаклланиш усулидир.

Дискурс илмий атама сифатида синтактик, семантик ва прагматик хусусиятга эга. У синтактик жиҳатдан ифода плани, яъни структурасига, семантик жиҳатдан мазмун-маъно планига, прагматик жиҳатидан эса перлокуция — хабар планига кўра турли фикрлар, нутқий актлардан ташкил топган фаолият сифатида тавсифланади.

Дискурс - бу тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланилиши, уларнинг изчил боғланишидир“ [12].

Замонавий лингвопрагматиканинг муҳим муаммоларидан бири «дискурс» тушунчасининг нутқ, матн, фикр, диалог каби тушунчалар билан муносабатини аниқлашдир.

XX асрнинг охири чорагида тилшуносликда матн ва дискурс тушунчаларини вазият категориясига суянган ҳолда фарқлашга уринишлар бўлди ва бу борада Европа тилшуносларининг фикрлари деярли бир хил. Шундай, дискурс «матн плюс вазият» тарзида ва айтилишда матн «дискурс минус вазият» шаклида изоҳланди [12]. Бундай талқин унчалик оммалашмади ва кейинги кўплаб ишларда «дискурс» ва «матн» атамаси фарқланмай қўлланмоқда.

Матн ва унинг таҳлили когнитив ёндашувнинг маълум шароитдаги мезонлари асосида олиб борилиши керак.

«Дискурстан фарқли равишда матн аниқ вақтга қатъий боғланган эмас, унинг вақт билан алоқаси билвосита намоён бўлиш характерида бўлади. Матн табиий равишда ўз-ўзича мавжуд бўлмайди, балки ҳар қандай эскиришга ва парчаланиб кетишга маҳкум бўлган мавжуд объектлар каби матн ифодаси - объект материали қобиғида мавжуд бўлади. Аслида матн бу вақтда эмас, балки маданият кўлами вақтида мавжуд бўлади» .

Шу маънода матн эшитиш, эслаш, хотирлаш мақсадида тузилади, дискурс учун бундай хусусиятлар хос эмас, у замоннинг маълум вақтида мавжуд бўлади. Дискурс олинган «маълумот»нинг график белгилари билан

изчил шаклланган видеоёзув ёрдамида матнга айланиши мумкин. М. Я. Димарскийнинг фикрича, фақат матнгина маълумотларни тўплай олади, дискурс эса хабар етказишни таъминловчи сифатида хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан матн - биринчидан келиб чиққан иккиламчи коммуникациядир .

Функционал лингвистикада функционаллик-структуралилик, жараён-натижа, динамиклик-турғунлик, фаоллик- нофаоллик каби дискурс / матн мезонларини белгилашда қарама-қаршиликка асосланган оппозицион ёндашув етакчилик қилади. Шунга кўра «матн-натижа» тузилиши ва функционал «дискурс-жараён сифатида» кўриниши ўзаро мувофиқ келади. Шундай экан, гап матн билан боғлиқ, фикр эса дискурсга тегишли ҳисобланади.

Дискурснинг асосий категориялари

Ҳар қандай матн/дискурснинг функционал таҳлили ифоданинг маъновий асослари дискурс категориялари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Дискурс назариясининг муҳим тушунчалари сифатида пропозиция, пресуппозиция, экспликатура, импликатура, инференсия ва референция кабиларни кўрсатиш мумкин.

Пропозиция - қатор гапларнинг парадигматик қайта ўзгаришлар билан алоқадор, фикрларнинг тасдиқ, буйруқ, сўроқ каби турли коммуникатив вазифалари билан ўзаро боғлиқ инвариант маъноларидир. У нутқий вазиятни ифодалаб, тилдаги лисоний ҳодисалар воситасида тавсифлаш, сўзловчи ёки ёзувчини фикр ифодалашда асосли далиллар билан қуроллантириш каби вазифаларни амалга оширади. Н.Маҳмудов «гап семантикаси объектив ва субъектив маънолар муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик деган қарашга мойиллик билдиради [30]. Гапнинг объектив мазмуни деганда, гап орқали ифодаланган ва инсон онгида акс этган объектив воқеликни тушунади. Бу воқелик синтактик семантиканинг номинатив йўналишида пропозиция атамаси билан номланади. Пропозиция маълум гап семантикасида ўз ифодасини топган муайян воқеа, ҳодиса ҳисобланади».

Умуман олганда, пропозиция билиш жараёни билан боғлиқ баҳолаш характеридаги тушунча бўлиб, семантик жиҳатдан ифодаланаётган фикрнинг воқелик фактларига мос келиши ёки келмаслигини акс эттиради.

А.В.Зеленшиков [17] пропозициянинг 1) ҳақиқий маънони, 2) гапнинг мазмуни бўла оладиган мавҳум моҳиятни, 3) сўзловчининг интенционал (ментал) ҳолатини ифодаловчи сифатида қараб, шундай хулосага келадики, пропозиция ҳар қандай ҳолатда ҳам тилнинг функционал табиатини акс эттиради ва гапда дескриптив ёки пропозиционал концепт модуси сифатида ифодалайди. Фикрнинг ҳақиқий маъноси билан чамбарчас боғлиқ бўлган пропозициянинг намоён бўлиш усулини белгилашда сўзнинг воқеликка мос келиш ёки келмаслигига боғлиқ ҳолда рост ёки ёлғон сифатида қаралиши, амалга ошиш ёки ошмаслигига эътибор берилади .

Пресуппозициянинг ўрганилишида ҳар бир муаллифнинг ўзига хос ёндашувини кўриш мумкин. Бундай ёндашувни пресуппозиция ҳодисасига берган таърифларда, таснифларда ва унинг табиатини белгилашда кўришимиз мумкин. Уларнинг барчасида гапнинг тўғри қўлланилиши ва тўғри англаниши учун зарур бўлган ва олдиндан маълум бўлган умумий билимлар, контекст ва вазиятни ўз ичига олиш хусусиятидан келиб чиқилган ҳолда тадқиқ этилади. Бундай ҳар хилликни, бизнингча, шу ҳодисанинг ўзидан қидириш керак бўлади. Чунки, пресуппозиция ҳодисаси ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, ҳар қандай гапда у ёки бу тарзда мавжуд бўладиган мураккаб ҳодиса бўлади. Пресуппозиция гапнинг тўғри қўлланилиши ва тўғри англаниши учун зарур бўлган ва сўзловчи ҳақида тингловчига олдиндан маълум бўлган умумий билимлар, контекст ва вазият каби мураккаб элементларни ўз ичига олганлиги билан ҳам кенг қўламда ўрганилиши керак бўлган ҳодиса ҳисобланади .

Пресуппозицияни асосий мантиқий хулоса, мазкур фикрнинг ростлиги а) семантик жиҳатдан аномал бўлмаслиги (семантик пресуппозиция); б) мазкур контекстда ўринли бўлиши (прагматик пресуппозиция) учун шарт бўлган маъновий қисм сифатида талқин қилиш мумкин.

М.Л.Макаровнинг фикрича [22], «пресуппозиция - фикрнинг когнитив содир бўлиши, унинг табиати, пресуппозициянинг таҳлил қилинишига имкон берадиган атрибут» Дискурс таҳлили учун фикрнинг ўринли ва муваффақиятли бўлишини таъминловчи прагматик пресуппозиция муҳим ҳисобланади. Унинг асосида — алоқачиларнинг умумий когнитив заҳираси (контекст пропозицияларининг умумий тўплами - мулоқот вазият катнашчиларининг биргаликдаги фаолияти қийин кечадиган ёки имконсиз бўлган умумий пресуппозициялар заҳираси) ётади.

А.К.Михалская фикрича: «Прагматик пресуппозиция - сўзловчининг маълум адресат учун маъқул келадиган фикрларни ифодалаш вазиятида қўллайдиган гапларидир» [31].

Бундай ёндашувда пропозиция ва пресупппозиция орасида диалектик боғлиқлик борлигини П. С. Столнейкер [33] пропозиция агар сўзловчи контекстнинг бошқа иштирокчилари ҳам шундай деб ҳисоблашига асосланиб, унинг ростлигини табиий деб ҳисобласа, прагматик маънода пресуппозиция ҳисобланишини, унга нутқий муомалада намоён бўлувчи мураккаб қизиқиш, мойиллик сифатида қараш тўғри бўлишини қайд этади . Демак, пресуппозиция сўзловчи тасдиқлари, саволлари, буйруқлари каби нутқий ҳаракатлари асосида белгиланади.

Референция — (лот. рефере — муносабатда бўлмоқ, таққосламоқ) лисоний белги ва шу белги билан белгиланган объект (нолисоний воқелик объекти) ўртасидаги муносабатдир. Прагматикада референция анча мураккаб тушунилади. Тадқиқотчилар унинг таркибига нутқ жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган адресант, лексик бирликлар, объектив воқелик, адресат каби тўрт компонентни киритадилар. Прагматик йўналишда референция пресуппозиция билан боғлиқ. Бу икки категория ҳам дискурс механизмларининг боғлиқлигини ва нутқ субъектларининг ўзаро таъсири, бир -бирини тушунишининг энг маъқул шароитини тавсифлайди. Бундай ҳолатда сўзловчи ва адресат воқелик фактларини билишига кўра бир хил мавқеда бўлади, адресатга янги маълумот беришда референция муҳим ўрин

тутади. Бунда «аниқ референция мавжуд объект пресуппозициясига таянади». Дискурс назарияси ва унинг асосий муаммолари ҳақида гапирилганда, дискурсниң энг муҳим категориялари ҳисобланган экспликатура ва импликатура ҳақида ҳам тўхталишга тўғри келади.

Нутқ жараёни таҳлилида дискурсда эксплицитлик ва имплицитлик ходисаларини ўзаро назарий жиҳатдан мослаштириш долзарб ҳисобланади. Бу эса коммуникация жараёнида пропозициянинг ифодаланиши фақат тил бирликларига боғлиқлик билан чекланиб қолмаслигини, бунда новербал воситаларнинг ҳам маълум даражада ўрни борлигини кўрсатади.

Коммуникатциянинг замонавий маълумот - код модели фикр ифодалаш учун контекстнинг ички (когниция) ва ташқи (персепция) имкониятини қараб чиқишни, инференсион механизмларни тавсифлашни тақозо қилади. Бунда «эксплицитлик» маъноси муҳим ҳисобланади.

Ифодаланаётган фикрнинг эксплицитлик даражаси шаклий (хусусан, лисоний) компонентларнинг мавжудлигига қараб белгиланади, дискурс импликатураси конвенционал аниқланмаган маъно ва мазмуннинг асл йўналишларини ўзлаштиришни таъминлайди.

Г.П. Грайс фикрича [11], «сўзлаш» ва «ўйланмоқ» ўртасидаги чегара замонавий лингвопрагматиканинг моҳиятини белгилаб беради. Бунда мазмуннинг иккинчи йўналиши дискурс категориялари, маъно ва мазмуннинг мувофиқ бўлмаган, белгиланмаган конвенционал йўналишларини қараб чиқадиган — импликатура билан шартланган бўлади.

Г.П. Грайс назариясида конвенционал импликатура қўлланилган сўзларнинг маъносига қараб белгиланади.

Коммуникатив импликатура эса нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда мўлжалланган ва назарда тутилган фикрларни ифодалашда маъноли чекинишга қараб белгиланади.

Коммуникатив импликатура дискурсда имплицит маълумотнинг бошқа турларидан фарқланувчи бир қатор белгиларга эга. Улар қуйидагилар:

- фикр маъносидан уларнинг миқдори чиқарилади;

- улар пресуппозициядан фарқли равишда фикр маъносидан ажралмас ҳисобланади; улар конвенционал эмас, шунингдек, лисоний шаклнинг конвенционал қисми ҳисобланмайди.

1. 3.Дискурс ва баҳолаш фаолияти

Баҳо тушунчаси ва унинг моҳияти

Антропоцентрик назарияга кўра инсон табиат ва жамиятнинг асосий фигураси бўлиб, у жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар марказида туради. У объектив оламдаги ўз ҳаёти ва фаолиятига алоқадор бўлган воқеа-ҳодисалар, ҳаракатлардан таъсирланади ва ўз навбатида уларга муносабат билдиради. Бу муносабат турли кўринишларда намоён бўлади. Унинг ҳаётий тажрибалари асосида чиқарган хулосалари, асосли, теран мушоҳадалари фалсафий баҳони, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳолатларга ўз тафаккури мезонларига таяниб муносабат билдириши мантикий баҳони юзага келтиради. Сўзловчининг муносабат билдиришда жамиятнинг ахлоқий қоидаларига амал қилиши этик баҳони, ўз сезгилари, дидига таяниши эстетик баҳони, ақлий ва ҳис-туйғуларга асосланиши эса психологик баҳонинг шаклланиши учун асос бўлади. Баҳолаш қандай кўринишда бўлмасин, фақат лисоний бирликлар воситасидагина ифодаланади. Бошқача айтганда, баҳолашнинг турли кўринишларини ўзаро туташтириб турувчи чорраҳа марказида инсоннинг нутқий фаолияти туради. Шунга кўра баҳолаш ҳодисаси лисоний категория сифатида когнитив тилшуносликнинг асосий тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Когнитив жараёнда инсоннинг турли воқеа-ҳодиса, нарса ва предметлардан завқланиши, ички кечинмалари ўзаро мулоқотда тилдаги мавжуд баҳоловчи бирликлар воситасида юзага чиқади. Дискурсда баҳо якка шахснинг ҳаётий тажрибалари, баҳоланувчи объектга қайси нуқтаи назардан ёндашуви ва муносабат билдириши, тажрибаси, маълумоти, касби, яшаш тарзи, истеъдоди кабилар билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Инсон ўз ҳаёти, фаолияти жараёнида ўзини ўраб турган объектив борлиқ билан тинимсиз муносабатда бўлади. У предметлар, ҳодисалар, турли вазиятларни, бошқа субъектлар хатти-ҳаракатларини, шунингдек, ўз имкониятларини, ҳаракатлари натижаларини баҳолаб боради. Мазкур ҳолат баҳонинг субъектнинг субъектга бўлган модал - волюнтатив, бошқа предмет ва ҳодисаларга бўлган субъектив, эмотив муносабатининг ифодаланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. «Маълумки, нутқ коммуникатив вазифа билан бир қаторда эмотив вазифани ҳам бажаради, яъни у инсон ҳис-туйғуларининг ифодаси бўлиш билан бирга, сўзловчи психикаси ва онгига таъсир ўтказувчи восита ҳамдир» .

Субъект ва объект ўртасидаги муносабат ифодаланишида баҳолаш характери муҳим ўрин эгаллайди. У баҳоланаётган объектнинг субъект учун ижобий ёки салбий аҳамиятга эгаллигига ҳамда субъектнинг объектга нисбатан талаб ва эҳтиёжига қараб белгиланади. Субъектнинг объектга нисбатан турли муносабат билдиришга ундайдиган қараш ва далилиллари баҳолаш асоси ҳисобланади. Баҳолаш асоси муқим эмас, чунки жамият тараққий қилар экан, кишиларнинг нарса ва предметлар, воқеа -ҳодисаларга муносабати ҳам шунга мос ҳолда ўзгариб туради. Шунга боғлиқ ҳолда жамият томонидан белгилаб қўйилган меъёрлар, баҳо мезонлари, қатъийлашган тасаввурлар ҳам маълум бир ўзгаришларга учрайди. Бир давр учун мақбул кўрилган ўлчов ва мезонлар бошқа даврда қабул қилинмаслиги, талаб ва эҳтиёжларга мос келмаслиги баҳолашнинг ўзгарувчан табиатини белгилайди. Баҳолашнинг турлича таснифланишида юқорида қайд этилган баҳолаш қарашларга таяниб иш кўрилганлиги бежиз эмас.

Ижобий ва салбий баҳо ўзаро фарқ қилади. Ижобий баҳолашда баҳолаш объектига хос хусусиятлар ҳақида маълумот берилганда маъқуллаш семаси сезилиб туради. Бунда ифодаланаётган фикр субъектнинг баҳолаш учун асос бўлган фактларга, айтилган пропозиция муҳимлигига ишончини ўзида акс эттиради. Салбий баҳолашда эса унинг акси кузатилади. Бунда маъқулламаслик, норозилик, хатоликка ишора семаси сезилиб туради.

Баҳо тушунчаси дискурснинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади. Баҳоловчи дискурсни тадқиқ этиш тилнинг биргина лисоний хусусиятларини эмас, балки алоқани таъминлашдаги характерли бошқа томонларини ҳам аниқлашга ёрдам беради.

Баҳолаш характеридаги дискурсни уч йўналишда тадқиқ қилиш мумкин:

- 1) коммуникатив нуқтаи назардан;
- 2) ижтимоий шартланган вазиятлардаги ўзаро таъсир сифатида;
- 3) лисоний бирликлардан фойдаланиш усулига қараб ўрганиш.

Бу эса инсоннинг ўй-кечинмалари, орзу-умидларини баҳоловчи тил бирликларининг таъсири ва бу воситалардан қандай мақсадда фойдаланиш бўйича муайян хулосаларга келиш имконини беради.

Тилшуносликда дискурс бўйича билдирилган фикрларни умумий бир махражга келтирилса, қуйидаги ҳолат намоён бўлади. Айрим тадқиқотларда қайд этилишича, дискурсда сўзловчи баҳолаш макростратегияларига эга бўлиши керак, Улардан энг асосийларидан бири адресатга руҳий таъсир этиш ҳисобланади. Тадқиқотчилар уни баҳолаш вазиятларига қараб талқин қиладилар. Бир гуруҳ олимлар эса шунга асосан эмоционал баҳоловчи дискурс тушунчасини муомалага киритадилар. Дискурслар аксиологик ёки эмоционаллик жиҳатидан таъсирчан, ҳиссий бўёқдор сўз маъноларининг кўп вазилавийлигини таъминловчи характерга эгалиги, баҳоларнинг ижобий ёки салбийлик семаси нуқтаи назаридан оппозиция ҳосил қилиши ҳамда салбий баҳоловчи бирликлар кўплиги билан характерланади.

Баҳолаш дискурси ҳақида гапирилганда, нутқий вазият, баҳоловчи бирликларнинг ўзига хос интенциялари, баҳолашга хизмат қилувчи далиллардан муносабат билдиришда мақсадли фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Индивидуаллик баҳоловчи дискурснинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, у ўзаро мулоқотда сўзловчининг турли мақсадли ҳаракатларида намоён бўлади. Дискурс таҳлили баҳо концептининг прагматик қатламларини тадқиқ қилишда самарали усул ҳисобланади.

Инсон ўзини ўраб турган объектив борлиқ, табиат ва жамиятга хос қонуниятларни, воқеа-ҳодисаларни сезгилари ёрдамида идрок қилади, ўзининг тасаввурлари ва ақлий мушоҳадаларига кўра ҳулосаларини, ҳис-туйғуларини мавжуд лисоний бирликлар воситасида очик ёки яширин тарзда ифодалайди.

Нутқ ўз мазмун-моҳиятига кўра «сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзага келадиган ҳодиса» [6] ҳисобланади. Кўринадики, нутқ онгли мақсад, ҳис-туйғу муносабатни ифодаловчи мураккаб жараёндир. Баҳо концептининг прагматик қатламларини таҳлил қилишда интерпретатив хусусиятга эгаллиги ва матнни тушунишга йўналтирилганлигига кўра дискурс-таҳлил усулларида фойдаланиш анча қулайлик туғдиради.

Коммуникатив мақсад ва баҳо

Коммуникатив мақсад прагматик таҳлилнинг асосий таркибий қисмидир. Мақсаднинг самарали ёки самарасиз натижаси - сўзловчининг нутқий актлардан, шунингдек, тилнинг экспрессив-стилистик ва образли имкониятларидан фойдаланиш лаёқати ҳамда новербал ёрдамчи воситаларни танлаш маҳорати билан боғлиқ.

Коммуникатив мақсаднинг амалга ошишида нутқий вазият муҳим аҳамиятга эга. Коммуникатив мақсадга эришиш учун сўзловчи ўз жумласини шундай тузиши лозимки, у учун энг муҳим бўлган ҳабами таъкидлаш биринчи навбатда туриши лозим. Шунга кўра сўзловчи ҳамсуҳбатида кутилган реакцияни қўзғатади, яъни унга таъсир ўтказади.

Баҳолаш категориясига оид сўзларнинг коммуникатив вазифаларидан бири - уларнинг таъсир этишга функционал хосланганлиги билан белгиланади. Баҳоловчи лисоний бирликларнинг мураккаб табиати мулоқот назариясига прагматиканинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида қарашни талаб қилади. Мавжуд алоқа жараёнини моделлаштириш ҳамisha прагматик йўналиш билан боғланади. Тилни доимо тараққиётда бўлган тизим сифатида ўрганиш нутқий фаолиятнинг сўзловчи мақсади, перлокутив

самара, мулоқот иштирокчилари орасидаги ўзаро муносабат каби бир қатор прагматик ўлчовларига боғлиқ. Ушбу боғлиқликни адресант ва адресат, сўзловчи ва тингловчи, нутқий вазият ва матннинг ўзаро муносабатларини акс эттирадиган ҳолатларда сезиш мумкин. Қуйида Тиловожди Жўраевнинг «Бозор дунё» романидан олинган парчага эътибор қаратайлик:

Наби Мусаевич билдики, ўғли кўп нарсага бенишон урди, аммо и битта гапни четлаб ўтди, энди шу масалани ўртага ташлаш фурсати етди:

Бировни кизини йўлдан урмагандирсан, тўғри айтасан, бироқ бировнинг хотинини, икки гўдаги бор аёлни ажратиб, хотин қилиб олаверасанми? Бу - бир, - “бир” га урғу берди Наби Мусаевич. — Иккинчи, хотининг билан “дагавор ” нима эди?

Мансур миқ этмади, Наби Мусаевич гирибонингдан тутдимми” дегандай жонланди ва авж пардаларига кўтарила борди:

- Иложи бўла туриб, бировнинг жуфт ҳалолини, янада норасида болаларини юм йиғлатиб... Айт-чи, қайси динда бор бу? Насронийдами ёки буддизмдами? Менга қара бола..., бу йўлингдан қайт!

Сенинг тепадаги нутқингга уч ҳам қўйиб бўлмайди. Беъмани гаплар бариси, эсинг борида этагингни ёп. Эртага шарманда-ю шармисор бўласан!

Наби Мусаевич энди тамоман йиқитиш, мажақлаш усулига - бепарда гапларга ўтди:

- Ҳой бола, ақлингни йиғ. бўлган иш бўлди, туғса, туғиб берсин, аммо ҳалол тўшагингни ҳаром қилма. Бўпти, никоҳдан туғилар экан, ол ўша болани, боқиб тарбия қил.

Худонинг айтгани бўлади, ўссин, вафо қилсин. Шуни билиб қўйки, биядан тулпор, эшакдан хўтик туғилади.

Юқоридаги дискурда баҳоланувчи хатти-ҳаракатининг танбеҳга лойиқлиги туфайли уни бу йўлдан қайтариш сўзловчининг конунуникатив мақсади ҳисобланади. Сўзловчи ўз мақсади натижасининг самарали бўлиши учун турли ифода усулларида (стратегиялардан) фойдаланади. Бунинг учун у тингловчига миллий урф-одатларимизга хос бўлган ахлоқий мезонларни

эслатиш мақсадида “бировнинг хотинини, икки гўдаги бор аёлни ажратиб, хотин қилиб олаверасанми?”, “хотининг билан “дагавор” нима эди?” “Ҳожи бўлатуриб, бировнинг жуфт ҳалолани, янада норасида болаларини юм йиғлатиб... Айт-чи, қайси динда бор бу?” каби сўроқ мазмунидаги жумлалардан фойдаланиб, яширин танбех пропозициясини юзага чиқаради ва тингловчига психологик таъсир этиш тактикасини қўллайди. Шунингдек, сўзловчи коммуникатив мақсади самарали бўлиши учун “Менга қара бола... Бу йўлингдан қайт?! ”, “...эсинг борида этагингни ёп. Эртага шарманда-ю шармисор бўласан! ” каби пропозициялар ҳамда “Ҳой, бола, ақлингни йиғ, бўлган иш бўлди, туғса, туғиб берсин, аммо ҳалол тўшагингни ҳаром қилма. Бўпти, никоҳдан туғилар экан, ол ўша болани, боқ, тарбия қил, Худонинг айтгани бўлади, ўссин, вафо қилсин. Шуни билиб қўйки, биядан тулпор, эшакдан хўтик туғилади” каби аффектив жумла-гаплар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрлардан ҳам маълум бўладики, тил алоқа жараёнида маълум бир мақсадга хизмат қилади. «Тил ўз- ўзича эмас, балки конкрет фикр, аниқ нутқий имкониятнинг индивидуал фаолият билан бирикувда мавжуддир. Фақат фикр-жумла орқали тил мулоқот билан бирикади, унинг жонли кучларидан баҳраманд бўлиб, реалликка айланади. Сўзлашув мулоқоти шарт-шароитлари, шакллари, дифференциация усуллари даврнинг ижтимоий — иқтисодий шартлари билан белгиланади».

Муайян нутқий вазиятда сўзловчи маълум бир коммуникатив мақсадни кўзлаб, ҳамсуҳбатига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказади. Коммуникатив мақсад, шунингдек, сўзловчининг субъектив муносабати, алоқанинг таъминланиши, нутқий вазиятнинг ўзи ҳам лисоний воситаларнинг танланишига, мулоқот мавзуси ва шаклига доимо таъсир қилади. Бошқача айтганда, сўзловчи кўзланган натижага эришиш учун қатъий ҳаракат усулларига риоя қилиши лозим. Шунда коммуникатив мақсадга кўра танланган лисоний бирликлар муҳим аҳамият касб этади.

Матнни тушуниш ёки матннинг прагматик маъносига етиб бориш бир вақтнинг ўзида ундан англашилган хабарни турли нуқтаи назардан кўриб, ўрганиб чиқиш ва баҳолашдан, матннинг структуравий ва прагматик режаларини таҳлил этишдан иборатдир. Коммуникатив мақсад ва у туфайли юзага келадиган нутқ обектига муносабат натижаси сифатида намоён бўладиган баҳо тушунчаси шахснинг кадриятли ифодаси бўлиб, алоҳида прагматик мазмунга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, сўзловчи коммуникатив мақсадининг амалга ошиши учун нутқий стратегияни тузиш ва тактикани қўллашда, сўзловчи фикрларининг таъсирчанлигини оширишда баҳоловчи сўзлар муҳим прагматик восита ҳисобланади.

1.4 Дискурс таҳлил усуллари

Дискурс таҳлилнинг бир қанча аналитик усуллари бўлиб, В. З. Демяньков икки турини ажратиб кўрасатади [13].

1. Формал моделлар – уларда тил шакллариининг семантик сифатлари эътиборга олинмайди ва тилнинг тарихий аспектларидан узилаган ҳолда тадқиқ қилинади. Нутқ актлари назарияси, сўзлашув таҳлили ва нутқ этнографияси буларга киради. Бу моделлар коммуникатив (мулоқот) компетенцияни тасвирлашга йўналтирилган. Дискурсниинг формал назариялари сўзлашув тили мавжуд бўлишининг шакллариини социологик аспектда кишиларнинг ўзаро ҳаракатини кўриб чиқиш нуқтаи-назаридан қарайди. Тадқиқ қилинаётган бирликлар гап даражасидан юқорида бўлади, масалан, бу бирликларга нутқ актлари ва мулоқотнинг бориши ва репликалар аламашинувини киритиш мумкин [14].

2. Маънодорлик моделлари – буларда дискурс таҳлил ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўлиқ семантик ва тарихий аспектларга эътиборни қаратади [14]. Бунга М. Фуконинг ёндашувини мисол қилиб кўрсатсак бўлади. У дискурс деганда “сўзлар воситасидаги перформанслар йиғиндиси” деб тушунади ва унинг дискурс таҳлили нутқий фаолият ҳодисасини –

аниқроғи белгилар йиғиндиси билан ҳосил қилинган фаолият ҳодисасини тушунтиришга йўналтирилган [26:108].

Т. ван Дейк ишлаб чиққан дискурс таҳлил модели тилшуносликда кўпроқ баҳсга сабаб бўлди. Бу моделнинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

1. Т.ван Дейкнинг дискурс таҳлили ўзида В.З. Демяньков илгари сурган коммуникатив ҳодиса ва вербал ўзаро ҳаракат сифатида тушунилган ҳам формал, ҳам маънодорлик аспектларини қамраб олади.

2. Бу моделга кўра дискурс таҳлили нутқ гапириш маҳсули сифатида, матн эса коммуникатив ҳодисанинг бутунича контекстда ёзилиши маҳсули сифатида қаралади.

3. Бундай ёндашув билан Т.ван Дейк дискурснинг очиқлигини, биқик эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, дискурс таҳлили бизни моделлар ва ижтимоий контекстлар ёрдамида бошқа дискурсларга ўтказади. Дискурс таҳлили сўзлашувнинг, матннинг, контекстнинг, жамиятнинг макро муҳитидан микро муҳитига ва аксинча доираси бўйлаб ҳаракатланади.

4. “Дискурс ажратиб олинган матн ёки диалогик структура эмас, аниқроғи бу мураккаб коммуникатив ҳодиса, у ўзида мулоқот қатнашчилари ҳақида ва хабарларнинг берилиши ва қабул этилиши жараёни ҳақида тасаввурни жо этади [7:113].

5. Т. ван Дейкнинг моделлерига кўра дискурс таҳлилнинг асосий принциплари қуйидагилар:

- 1) матн ва сўзлашувларнинг табиий тилини ўрганиш;
- 2) контекстнинг қўлланилиши (ижтимоий ва маданий);
- 3) структур бирликлар таҳлилининг кетма-кетлиги ва изчиллиги;
- 4) ёзма ва оғзаки дискурсни унинг қатнашчиларининг ижтимоий амалиёти сифатида қаралиши;
- 5) оғзаки нутқнинг ўрганилиши, лекин бу билан ёзма нутқ тўла инкор этилиши керак эмас;

- 6) дискурс таҳлилда унинг қатнашчилари томонидан ҳосил қилинган категориялашни ҳисобга олиниши;
- 7) дискурснинг умумий аҳамияти ва функциясини аниқлаштириш;
- 8) барча йўналишлар ва барча даражалар (товуш, грамматик, семантик) бўйича дискурс таҳлил қилиш;
- 9) дискурснинг конструктивлигини ҳисобга олиш, чунки унинг конструктив элементлари функционал ишлатилиши, бошқа элементларнинг қисмлари сифатида тушунилиши ва ўрганилиши мумкин.
- 10) умумий грамматик, коммуникатив қоида ва нутқий ўзаро таъсир қоидаларини ҳисобга олиниши ҳамда ушбу дискурсда мавжуд қоидаларнинг ўзгариши, инкор қилиниши ва қодаларнинг бузилишларини қараб чиқиш;
- 11) тилни қўлловчилар дискурс мақсадига эришиш учун ишлатадиган стратегияларни аниқлаш;
- 12) дискурсда ижтимоий когниция ролининг, яъни билимлар, муносабатлар, мафкуралар, нормалар, қадриятларнинг тан олиниши [37: 29 – 31].

Мураккаб тузилмали бўлакларнинг прагматик-коммуникатив параметрларини тадқиқ қилиш учун фикримизча Т. ван Дейкнинг модели маъқул келади, чунки у нафақат унинг турли ўлчовларини систематик тасвирлайди, балки у тил ишлатилиши, ғоялари, ишонч, эътиқодлари ҳамда уларнинг таъсир ўртасидаги муносабатларни аниқлаш имконини беради.

Бу моделларга кўра дискурс таҳлили қуйидаги саволларга жавоб бериши керак. Тилнинг ишлатилиши ишонч, эътиқод ва нутқий таъсирларга қандай таъсир қилади? Нутқий таъсир аспекти тилга қандай таъсир ўтказди? Ишонч, эътиқодлар тил ва таъсирни қандай назорат қилади? [37:2].

Матнни таҳлил қилишда аргументация назарияси

Бугунги кундаги илмий адабиётларда аргументация ҳодисасига турлича ёндашувлар мавжуд. Уларни шартли равишда фалсафий, риторик, лингвистик аргументацияларга бўлиш мумкин. Аристотель фикрига кўра аргументациянинг тил шакли бевосита тингловчига боғлиқ. Ф. Ван Емерон ва Р. Гроотендорст аргументациянинг прагмадиалектик назариясини ишлаб

чиқишди. Бу назария муаллифлари аргументацияни дискурснинг махсус шакли бўлган фикрлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун тил воситаларидан фойдаланиш билан характерланадиган вербал мулоқот ходисаси сифатида ҳисоблашди [38]. Ушбу ғоя муаллифлари унинг тўрт даражасини кўрсатиб беришди. Бу ўз навбатида аргументатив дискурснинг тўрт бочқичига мувофиқ келди [38:281-283].

Аргументация жараёнини конфронтация стадияси (“confrontation stage”) бошлаб беради. Бунда фикрлар қарама-қаршилиги фикр (нуқтаи-назар) ва унинг қабул қилинмаганлиги ўртасидаги оппозицияда берилади. Аргументатив дискурда бу илгари сурилган фикр, икки қарама-қарши фикрлар тўқнашувидан вужудга келган келишмовчилик босқичига тўғри келади. Бошланғич (opening stage) босқичда антагонист ва протагонист, аргументация жараёнида уларнинг вазифалари аниқланади. Ниҳоят, жараённинг ҳал қилувчи моменти аргументация стадияси (“argumentation stage”) ҳисобланади. Бунда протагонист антагонистнинг танқидий фикрларидан ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилади. Дискурда бу босқич бир томон қарама-қарши томоннинг шубҳаларини тарқатиб юбориш учун асослар келтирадиган босқичга тўғри келади. Аргументлаш босқичини якунловчи босқич (“concluding stage”) ниҳоясига етказди. Бунда протагонист ва антагонист протагонистнинг нуқтаи-назари антагонистнинг танқидий фикрларидан муваффақиятли ҳимоя қилиндими ёки йўқми, шу ҳақда ҳулоса қиладилар.

He's a splendid young fellow. Boxed three years for Oxford and, so I learn from a usually reliable source, went through the opposition like a dose of salts (P.G. Wodehouse "Service with a Smile", p.210).

Бу мисолда мураккаб тузилмалар контекстини таҳлил қилганимизда нутқ актлари иборалари билан айтганимизда учта содда нутқ актини кўрамиз. Шунга мувофиқ учта пропозиция ва учта иллокутив кучни кўрамиз. Улар тасдиқни намоён қиладиган ассертив актлар. Бу нутқ актларидан ҳеч бири алоҳида олинганда аргументлашнинг иллокутив кучига эга бўлмайди. Ҳеч

бири перлокутив эффектга эришишга йўналтирилмаган. Бироқ, ушбу нутқ бўлагини бутунча олиб қараганимизда биринчи нутқ актини аргументлашнинг тезиси сифатида тушунтириш мумкин. Унинг пропозицион мазмуни “He’s a splendid young fellow”, қолган иккита нутқ акти биринчи актнинг тўғрилигини тасдиқловчи ва асословчи актлар бўлиб келади. Уларнинг пропозициялари “Boxed three years for Oxford”, “went through the opposition like a dose of salts”. Ушбу учта нутқ актларининг биргаликдаги иллокутив кучи – аргументлашнинг иллокутив кучидир. Ҳар қандай элементар нутқ акти каби аргументлаш нутқ актида ҳам муваффақиятга эришиш шартлари бор. Уларни А.Н. Баранов ва В.М. Сергеев куйидагича тасвирлайди:

- 1) гапировчи О нуқтаи-назарни олдинга суради;
- 2) гапировчи пропозициялари ифодаланган $S_1, S_2 \dots S_n$ фикрларини айтади (пропозиционал мазмуннинг шarti);
- 3) $S_1, S_2 \dots S_n$ фикрларининг олдинга сурилиши О нуқтаи-назарни асослашга гапировчининг уриниши деб ҳисобланади, яъни эшитувчини О нинг мақбуллигига ишонтириш (муҳим шарт).
- 4) гапировчи ҳисоблайдики, а) эшитувчи О ни қабул қилмаяпти; б) эшитувчи $S_1, S_2 \dots S_n$ ни қабул қилаяпти; в) эшитувчи $S_1, S_2 \dots S_n$ ни О ни асословчи сифатида қабул қилаяпти (ибтидоий шартлар).
- 5) гапировчи ҳисоблайдики, а) О мақбул, қабул қилса бўладиган; б) $S_1, S_2 \dots S_n$ ни қабул қилса бўлади; в) $S_1, S_2 \dots S_n$ О ни асослайди (самимийлик шarti) (Баранов 1987).

Эътиборни шунга қаратишимиз керакки, фақат (1) ва (2) пунктлар биргаликда аргументлаш нутқий актлар пропозиционал мазмуни сифатида тасвирланиши мумкин. Таъкидлаш керакки, ҳеч қандай алоҳида нутқий акт фикр ёки аргументлаш каби тушунтирила олмайди. Бу актлар фақат диалектик бирликда мавжуд. Шу сабабдан аргументлаш ҳақида макронутқий акт сифатида гапирамыз.

Аргументлаш актини ташкил этувчи бўлақлар қандай характерли хусусиятларга эга? Фикр келажак ҳақидаги гап бўлиши мумкин. Уни баҳоловчи ҳукм ёки модаль предикатли ҳукм билан, яъни фақат маъқул ёки номаъқул тарзида баҳолаш мумкин бўлган фикр деб қарасак бўлади. “Самимийлик” термини ўрнига “қабул қилса бўладиган”, “маъқул” терминларининг ишлатилиши аргументлашнинг формаль-мантикий тасвирланишидан унинг лингвистик ва аксиологик тасвирланиши томон муҳим кадамдир [38]. Аргументация субъектининг мақсади ҳақиқий манбалардан ҳақиқий хулосалар чиқариш эмас, фикрни мақбул аргументлар орқали “қабул қилса бўладиган”, “маъқул” фикрга айлантириш. Ҳамсухбат фикрини қабул қилинганда мулоқотнинг иккинчи иштирокчиси унинг ҳаққонийлигига (тўғрилигига) қўшилади. Шундай қилиб, “фикрни қабул қилса бўладиган фикрга айлантириш” дегани “оппонентни ишонтириш” дейиш билан бир хил маънони англатади. Фикрни қувватлайдиган аргументлар белги ёки сабаб табиатига эга бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда аргумент пропозициялари ва фикр ўртасида биргаликда мавжуд бўлиш муносабатлари ўрнатилади. Аргумент фикрда тасдиқланадиган белги ёки белгилар характеристикасини намоён қилади. Масалан, “This meat hasn’t been cooked properly (фикр). It’s tough as old boots” (аргумент) (DEI).

Иккинчи ҳолатда аргументнинг мақбуллиги фикрга ўтади. Аргументда тасдиқланадиган фикр ва фикрда тасдиқланадиган нарса ўртасида сабаб-оқибат алоқалари ётади. Бундай алоқа икки йўналишда бўлиши мумкин: аргумент фикрнинг сабабини ифодалаши мумкин, масалан:

“Mother hates it if we’re late (тезис). The point is – that she clings like mad now to the day’s routine – you know (аргумент)” (J.B.Priestley “Three Men in New Suits”, p.16)

Аргумент фикрни сабаб сифатида тан олдириш учун (ишончли) оқибат бўлиши мумкин. Масалан,

“You’ve got the wrong man (тезис). They’ll laugh at you like blazes over this in Scotland Yard (аргумент)” (E. Waugh “Decline and Fall”, p. 153).

Юқорида кўрганимиз макронутқий актларда бир марталик аргументлашни кўриб ўтдик, яъни фикрни қувватлаш учун фақат битта аргумент берилган эди. Шу билан бирга, фикрни қувватлаш ёки унга қарши бўлиш учун бирдан кўпроқ аргументлар ҳам бўлиши ва уларнинг ҳар хил турлари бўлиши мумкин. Ф. ван Еемеерен ва Р. Гроотендорст аргументлаш назарияларида аргументлашнинг мураккаб тузилмали, эргашган қўшма гапли ва мустақил қўшма гапли структуралари тасвирланади. Мураккаб тузилмали аргументлаш – бу фикрни қувватлаш учун бир неча турли, бир-бирига тобе бўлмаган мустақил аргументларнинг келиши. Масалан,

I thought he was in many ways my superior. He’d gotten into Yale, and his grades were a hell of a lot better than mine had been in college. He was a better athlete. He had a natural command of languages and easier way of relating to other people – he was much more gracious, a relaxed guy, very charming (J. Thomas “Father Son and Co”, p. 380).

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлдики, аргументатив дискурда уюшган (мураккаб тузилмали) гаплар аргументлашнинг макронутқий таркибига киради. Аргументлашнинг иллокутив кучи интенсивлигини оширишга хизмат қилади ва ўз навбатида аргументлашни ишончлироқ, макронутқий актни муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида изоҳланмоқда.

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси саккиз хил маънода қўлланган: 1) сўз муқобили; 2) фразалардан ўлчами бўйича ортадиган бирлик; 3) нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири; 4) суҳбат; нутқда сўзловчи позицияси; 6) Лисоний бирликлардан фойдаланиш; 7) фикрнинг ижтимоий ёки мафкуравий чекланган тури; 8) матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилмалар.

Дискурс илмий атама сифатида синтактик, семантик ва прагматик хусусиятга эга. У синтактик жиҳатдан ифода плани, яъни структурасига, семантик жиҳатдан мазмун-маъно планига, прагматик жиҳатидан эса перлокуция — хабар планига кўра турли фикрлар, нутқий актлардан ташкил топган фаолият сифатида тавсифланади.

Дискурс таҳлилнинг бир қанча аналитик усуллари бўлиб, В. З. Демяньков икки турини ажратиб кўрасатади.

1.Формал моделлар – уларда тил шакллариининг семантик сифатлари эътиборга олинмайди ва тилнинг тарихий аспектларидан узилаган ҳолда тадқиқ қилинади. Нутқ актлари назарияси, сўзлашув таҳлили ва нутқ этнографияси буларга киради. Бу моделлар коммуникатив (мулоқот) компетенцияни тасвирлашга йўналтирилган. Дискурснинг формал назариялари сўзлашув тили мавжуд бўлишининг шакллариини социологик аспектда кишиларнинг ўзаро ҳаракатини кўриб чиқиш нуқтаи-назаридан қарайди. Тадқиқ қилинаётган бирликлар гап даражасидан юқорида бўлади, масалан, бу бирликларга нутқ актлари ва мулоқотнинг бориши ва репликалар аламашинувини киритиш мумкин [14].

2. Маънодорлик моделлари – буларда дискурс таҳлил ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўлиқ семантик ва тарихий аспектларга эътиборни каратади [14]. Бунга М. Фуконинг ёндашувини мисол қилиб кўрсатсак бўлади. У дискурс деганда “сўзлар воситасидаги перформанслар йиғиндиси” деб тушунади ва унинг дискурс таҳлили нутқий фаолият ҳодисасини – аниқроғи белгилар йиғиндиси билан ҳосил қилинган фаолият ҳодисасини тушунтиришга йўналтирилган.

Т. ван Дейк ишлаб чиққан дискурс таҳлил модели тилшуносликда кўпроқ баҳсга сабаб бўлди. Бу моделнинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтамыз.

1. Т.ван Дейкнинг дискурс таҳлили ўзида В.З. Демяньков илгари сурган коммуникатив ҳодиса ва вербал ўзаро ҳаракат сифатида тушунилган ҳам формал, ҳам маънодорлик аспектларини қамраб олади.

2. Бу моделга кўра дискурс таҳлили нутқ гапириш маҳсули сифатида, матн эса коммуникатив ҳодисанинг бутунича контекстда ёзилиши маҳсули сифатида қаралади.

3. Бундай ёндашув билан Т.ван Дейк дискурснинг очиқлигини, биқик эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, дискурс таҳлили бизни моделлар ва ижтимоий контекстлар ёрдамида бошқа дискурсларга ўтказади. Дискурс таҳлили сўзлашувнинг, матннинг, контекстнинг, жамиятнинг макро муҳитидан микро муҳитига ва аксинча доираси бўйлаб ҳаракатланади.

4. “Дискурс ажратиб олинган матн ёки диалогик структура эмас, аниқроғи бу мураккаб коммуникатив ҳодиса, у ўзида мулоқот қатнашчилари ҳақида ва хабарларнинг берилиши ва қабул этилиши жараёни ҳақида тасаввурни жо этади.

5. Т. ван Дейкнинг моделлерига кўра дискурс таҳлилнинг асосий принциплари қуйидагилар:

- 1) матн ва сўзлашувларнинг табиий тилини ўрганиш;
- 2) контекстнинг қўлланилиши (ижтимоий ва маданий);
- 3) структур бирликлар таҳлилининг кетма-кетлиги ва изчиллиги;

- 4) ёзма ва оғзаки дискурсни унинг қатнашчиларининг ижтимоий амалиёти сифатида қаралиши;
- 5) оғзаки нутқнинг ўрганилиши, лекин бу билан ёзма нутқ тўла инкор этилиши керак эмас;
- 6) дискурс таҳлилда унинг қатнашчилари томонидан ҳосил қилинган категориялашни ҳисобга олиниши;
- 7) дискурснинг умумий аҳамияти ва функциясини аниқлаштириш;
- 8) барча йўналишлар ва барча даражалар (товуш, грамматик, семантик) бўйича дискурс таҳлил қилиш;
- 9) дискурснинг конструктивлигини ҳисобга олиш, чунки унинг конструктив элементлари функционал ишлатилиши, бошқа элементларнинг қисмлари сифатида тушунилиши ва ўрганилиши мумкин.
- 10) умумий грамматик, коммуникатив қоида ва нутқий ўзаро таъсир қоидаларини ҳисобга олиниши ҳамда ушбу дискурсда мавжуд қоидаларнинг ўзгариши, инкор қилиниши ва қодаларнинг бузилишларини қараб чиқиш;
- 11) тилни қўлловчилар дискурс мақсадига эришиш учун ишлатадиган стратегияларни аниқлаш;
- 12) дискурсда ижтимоий когниция ролининг, яъни билимлар, муносабатлар, мафкуралар, нормалар, қадриятларнинг тан олиниши.

БОБ II. Оғзаки ва ёзма матн дискурс таҳлили

2.1. Матннинг дискурс таҳлили

Дискурс таҳлил тил ва у ишлатилган контекстлар ўртасидаги боғлиқлик, алоқаларни ўрганади. У 1960 ва 1970 йилларнинг бошларида тилшунослик, семиотика, психология, антропология ва социология каби турли фанлар соҳасидаги изланишлардан келиб чиқди.

Дискурс таҳлилчилар тилни ишлатилишда, ҳар қандай турдаги ёзма ва оғзаки матнлар, сўзлашувдан тортиб юқори даражадаги институционаллашган нутқларни ўрганади.

Бир вақтлар тилшунослик фақат гапларнинг таҳлили билан шуғулланган пайтларда Британиялик Зилиг Ҳаррис 1952 йилда “Дискурс таҳлил” номли илмий мақоласини эълон қилди [47]. Гарчи бу мақола биз бугун дуч келаётганимиз дискурс таҳлилдан анча йироқ бўлса-да, у ўз вақтида узунроқ матнлардаги лисоний элементларнинг жойлашуви, матн ва у ишлатилган ижтимоий ситуациялар ўртасидаги боғлиқликни ўрганган эди. Тил файласуфлари Остин [27], Сёрл [28], ва Грайс [11] лар ҳам тилни ижтимоий ҳаракат деб қараб, ўз қарашларини нутқ актлари назариясида акс эттирдилар, сўзлашув максимларини тадқиқ қилдилар ва бу билан контекстдаги маънони ўрганадиган прагматикани шакллантирдилар.

Британияда дискурс таҳлил Хэллидейнинг тилга функционал ёндашувидан бошланди, унинг ўз навбатида Прага лингвистика мактаби билан алоқалари бор эди. Хэллидейнинг [48] тадқиқоти тилнинг ижтимоий функцияларига урғу бериш, нутқ ва ёзувнинг тематик ва информатив структураси. Бирмингем университети профессорлари Синклэр ва Каулфардларнинг (Sinclair and Coulthard) [46] дискурс бирликлари иерархиясига асосланган ўқитувчи-ўқувчи сўзлашуви модели ҳам машҳур бўлди. Шунга ўхшаш ишлар врач-бемор мулоқоти, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги суҳбатлар, интервью, дебатлар, бизнес музокаралари, шунингдек, монологлар таҳлилида ҳам ўтказилди. Британия анъанасида дискурседа интонация (оҳанг) бўйича ҳам ажойиб ишлар қилинди.

Америка дискурс таҳлилида табиий муҳитларда кишилар гуруҳининг мулоқотини кузатиш тадқиқ методига урғу берадиган этнометодологик анъана устунлик қилади. У ҳикоя сўзлаш, саломлашув, турли маданий-иҷтимоий муҳитларда сўзлаш ритуалларини ўрганади [49]. Америка анъанасида сўзлашув таҳлили деб аталадиган таҳлилни ҳам дискурс таҳлил доирасига киритиш мумкин. Сўзлашув таҳлилида структур моделлар қурилишига урғу берилмасдан, балки суҳбат жараёнида сўзлашув катнашчиларининг ўзини тутишларини кузатишга асосий эътибор берилади. Goffman [50], Sacks, Schegloff, Jefferson [44] ишларда сўзлашув нормалари, навбат билан сўзлаш (turn-taking) ҳамда сўзлашув мулоқотининг бошқа аспектлари ўрганилади.

Шунингдек, матн грамматикачиларининг ҳам дискурс таҳлил ривожланишида улуши бордир. Улар асосан, ёзма матн устида ишлашган. Матн грамматикачилари матнни бир-бирига боғланган ва бир-бирига алоқадорликда бўладиган тил элементлари сифатида ҳисоблашади. Van Dijk [37], De Beaugrande [36], Halliday and Hassan [39], бу соҳада катта тадқиқот ишларини олиб бордилар. Прага тилшунослик мактаби ҳам дискурсда ахборотни структурлаштиришга қизиқишлари билан бу соҳада кенг қамровли ишларни бажардилар. Уларнинг энг муҳим ҳиссаси грамматика ва дискурс ўртасидаги боғлиқликларни кўрсатганликлари бўлди.

Дискурс таҳлил матнга бир томонлама ёндашув эмас. У предикат таҳлил (Эдвард Саид), метафорик таҳлил (Ж. Лакофф, М. Жонсон), деконструкция (Ж. Деррида), ва генеалогия (М. Фокольт) га бўлинади. М. Стаббснинг ёзишича, дискурс таҳлил 1) тилнинг гап / нутқ бўлаги ҳудудларидан ташқарида қўлланилиши, 2) тил ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар (тилнинг иҷтимоий контекстда ишлатилиши), 3) интерактив ва сўзлашув мулоқотининг диалогик хусусиятлари билан иш кўради [51].

- Дискурс таҳлил гапнинг грамматик ва семантик таҳлилларига қарама-қарши равишда уларни “нутқ бўлаги”, матн”, “нутқий ҳодисалар” таҳлили даражасига кўтарган таҳлилдир.

- Дискурс таҳлил тил қўлланилишини ижтимоий ҳаракатлар (нутқ актлари) сифатида, ролли ижро (лисоний ўйинлар) сифатида, ижтимоий алоқалар ва ўзига хослик, ҳокимият, куч, тенгсизликлар ва ижтимоий курашлар сифатида, тил фақат “структуралар” эмас, “амалиётлар” нинг муҳим кўриниши сифатида тушунтиради. (Биз дунёни пассив тасвирлашдан кўра, уни тилимиз билан курамыз) [52].

Иккинчидан, Милликеннинг ёзишича, дискурс “ижтимоий реалликни барпо этадиган белгилар структураси”дир [53]. Бунда “нарсалар маъно англатмайди (моддий борлиқ маъно ифодаламайди), кишилар белги тизимларидан фойдаланиб, лисоний воситалар орқали (кўп ҳолларда) нарсаларнинг маъносини тузади”. Милликен тушунтирадики, дискурснинг ўзи субъектларни пайдо қиладиган, уларга гапириш ва ҳаракат қилиш ваколатини берадиган, турли билим амалиётларини шакллантирадиган, фикрлашнинг ва сиёсат қилишнинг турли йўллари рағбатлантирадиган продуктив тизимдир.

Учинчидан, дискурс таҳлил “билимнинг бошқа шакллари бўйсундириш ёки истисно қилиш орқали устун доминант маъноларни ўрнатадиган ва стабиллаштирадиган” ҳаракатлар сифатида тавсифланади. Шунга асосланиб, Милликен таъкидлайди, дискурс таҳлил устун дискурснинг ваколатли гапирувчи/ёзувчилари бўлган турли кишилар томонидан фарз қилинган матнларга асосланган бўлиши лозим ёки муқобил дискурслар асосида фикрлаш ва ҳаракатланиш керак [54].

Дискурс таҳлил ва репрезентация (тасаввур). Модерн ва постмодерн ижтимоий назариясида мавжуд бўлган репрезентациянинг эпистемологик илдизлари Европа маърифат даври ва илмий инқилобдан кейинги эволюцияга бориб тақалади. Репрезентация (тасаввур этилиш) кузатувчи “ер, замин устидаги” нарсалар маъносини намоён қиладиган маънолар, ифодалар гуруҳидир. Қоидаларга асосланган ҳатти-ҳаракатларнинг конструктивистик талқини, тушунтирилиши (ҳатта-ҳаракатлар қоидаларга асосланган деб ўйлаш ва бу мантиқни ижтимоий ҳаракатни тушунишга нисбатан қўллаш).

Ҳақиқат деб қабул қилинган билим (кузатувчи буни биринчи галдаги, муҳим деб ўйлайди ва уни (ҳақиқат деб қабул қилинган билимни) амалиётда қўллаш учун маълум фреймлар, структуралар деб тасаввур қилади), мувофиқлик, тўғрилиқ шаклан тасаввур ва онгдан бошланади.

Дискурс таҳлил ва нутқ актлари. Нутқ акти тил ва мулоқотда перформатив вазифага эга бўлган гапдир. Инглиз тилшуноси ва файласуфи Жон Остин инглиз тилидаги гапларни констатив ва перформатив гапларга бўлади. У перформатив гапларни нутқ актлари қаторига қўшди. Констатив гаплар бирор бир нарсани матндан ташқарида (узилган ҳолатда) тасвирлайди ва уларга true (тўғри), false (нотўғри) деб муносабат билдириш мумкин. Констатив гаплар семантика, грамматика ва синтаксисда ўрганилади, таҳлил қилинади. Ж. Остин ўзининг “How to do things with words” [4] (Сўзларни қандай қўллаш керак?) китобида перформатив гаплар тушунчасини киритди. Бундай гаплар True (тўғри), ёки false (нотўғри) деб айтиб бўлмайдиган, лекин айтилиши билан маълум бир ижтимоий эффект ҳосил қиладиган гаплардир. Масалан, “I promise to do it by tomorrow”. Бу гапни айтиш билан сиз ҳаракат ҳам бажарасиз. Перформатив гаплар кутилган эффект, самарага эга бўлиши учун маълум ижтимоий ва маданий талабларга жавоб бериши керак. Бу талаблар felicity conditions (мувофиқлик, жўялилик шартлари) деб ҳам аталади.

1. Умумий шартлар. General conditions. Гапирувчи ва эшитувчи ишлатилаётган тилни тушунишлари керак, улар пьеса ижро этишаётгани йўқ ёки мазмунсиз сўзларни қўллашмаяпти.

2. Мазмунлилик шарти. Content conditions. Айтилган сўз, гап мазмуни гапирувчи қарори билан мос бўлиши керак. Шунинг учун, масалан, ваъда бериш ёки огоҳлантиришда сўзловчининг гапи фақат келаси замонда берилиши мумкин, чунки ваъда бериш ва огоҳлантириш келаси замонга тегишли. Қиёслаймиз: I promise to do it tomorrow. vs. I promise to do it now.

3.Тайёргарлик шартлари. Preparatory conditions. Гапирувчи нутқ актини бажаришга кодир. Унинг бу ҳаракатни бажаришга ваколати бор. Эшитувчи (адресат) гапирувчи ваъда қилган актни бажаради деб ишонади.

4.Самимийлик шарти. Sincerety condition. Эшитувчи гапирувчи айтган актни (нутқ актини) бажаришини чин кўнгилдан хоҳлайди.

5.Зарурий шарт.Essential condition. Маълум бир конкрет жамиятда (дўстлар орасида) одатда “ваъда”га вафо қилинади ва сўзловчилар буни яхши биладилар.

Нутқ актлари ижтимоий актлардир.Улар (биз кузатадиган) ташқи дунёни пассив тасвирламайди, балки улар айтиш орқали бу реалликни дунёга келтиради. Юқоридаги фикрларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, дискурс таҳлил структур тилшуносликка нисбатан танқидий таҳлилдир.

2.2.Инглиз тилида нутқ актларини ифодалаш йўллари

Нутқ актлари назарияси Британия философи Жон Остин номи билан боғланган. Унинг ўлимидан сўнг 1962 йилда нашр этилган How to Do Things with Words ? (Сўзларни қандай қўллаш керак?) асари [54] тилни ўрганишга янгича ёндашувни бошлаб берди. Бу китобда Ж. Остин тилнинг асосий вазифаси фактларни қайд этишдир, деган қарашни олға суради. Ўз даврида устун бўлган бу қарашга кўра гаплар фактларнинг тўғри ёки нотўғрилигига асосланган. Масалан, I name the ship Titanic типидagi гаплар уларнинг тўғри келадиган ёки тўғри келмайдиган (жоиз ёки ножоиз) эканлигига қараб таҳлил қилинган. Ушбу гапни кемани қурган киши ёки конструктор айтсагина, у нутқ акти ёки иллокутив кучга эга гап бўлар эди. Тўғри келадиган (жоиз) ва тўғри келмайдиган (ножоиз) гаплар деб шунга айтилади. Лаэнснинг фикрига кўра, гаплар бирор нарса ҳақиқатда нима эканлигини айтишдан кўра бирор нарса бажариш учун ишлатилади. Остиннинг фикрича, гапириш тил орқали ҳаракат қилишдир. Гаплар “бажарадиган” ҳаракат кейинроқ Америкалик философ Жон Сёрл термини билан иллокутив акт ёки нутқ акти дейилган. I name the ship Titanic мисолига

кайтсак, сўзловчи кемани Titanic деб номлайди. Агар сўзловчи Go! деса, тингловчига боришни буюради. Ё, John сўзлари билан гапирувчи саломлашув актини бажаради.

Жон Остин инглиз тилидаги гапларни констатив ва перформатив гапларга бўлади. У перформатив гапларни нутқ актлари қаторига қўшди. Констатив гаплар етарли даражада нутқ актлари эмас. Бироқ у кейинроқ тушуниб етдики, бундай гапларнинг жуда кўпчилиги перформатив функцияни бажаради. “Saying (or asserting) that something is so is itself a kind of doing”.

Ж. Остин перформатив гапларни эксплицит бўлмаган ва эксплицит (белгиланган) перформатив гапларга бўлади.

I'll be there at two o'clock. (эксплицит бўлмаган перформатив)

I promise to be there at two o'clock. (эксплицит перформатив).

Эксплицит перформатив гапларперформатив (promise, state, order, ask, etc.) феъллар билан ишлатилади.

Бундай нутқ актлари перформатив бўлмаган нутқ актларига нисбатан кўпроқ спецификдир. Сўзловчи I promise to be there at two o'clock деса, у ваъда берганлигини кейинроқ инкор этолмайди. Лекин у I'll be there at two o'clock деб айтса, ҳеч бир ваъда берилмаганлигини рўқач қилиши, шунчаки у ерга боришни мўлжал қилганман дейиши мумкин (Lyons, 728). Шу нарсани айтиш муҳимки, эксплицит перформатив гаплар эгаси биринчи шахс, феъли ўтган замон оддий феъли билан декларатив гап шаклида бўлади. The earth is round. vs. I tell you that the earth is round.

Нутқ актлари назарияси Жон Сёрл томонидан ривожлантирилиб, у an indirect speech act (билвосита нутқ акти) тушунасини киритди. An indirect speech act (билвосита нутқ акти) орқали сўзловчи ўзи ифодалаган сўзлардан кўпроқ тушунчани тингловчига етказди. Масалан, Can you wash the dishes? Бу структуранинг икки маъноси бор: бевосита ва билвосита. Тўғридан – тўғри (бевосита) маъноси “Are you able to wash the dishes?”, билвосита (кўчма) маъноси эса “wash the dishes!” бўлади. Бунга жавобан тингловчи онгли равишда гапнинг тўғри маъносига эътиборни қаратади ва шундай

мазмунда жавоб беради. “Of course, I can also wash the shirts. My mother has taught me many things to do”.

Лингвистик структураларни ўрганаётиб, прагматистлар нутқ актига тенг бўлган illocutionary force (иллокутив куч) атамасини қўллайдилар. The coffee is ready гапининг иллокутив маъноси ‘илтимос’дир. Савол туғилади. Гапирувчи қандай нутқ актини назарда тутганини тингловчи қандай билади? Illocutionary Force Indicating Devices (IFIDs) нима? Агар гапда перфоматив феъллар ишлатилган бўлса, тингловчи кўп қийинчиликка дуч келмайди. Перфоматив феъллар нутқ актини ифодаловчи феъллардир. Масалан, I invite you to come tomorrow. Инглиз тилида перфоматив феълларга admit, bet, congratulate, postulate, swear, advise, claim, entreat, promise, thank, apologize, command, estimate, welcome, declare, state феълларини мисол қилиб келтириш мумкин. Прагматистларнинг ҳисоблашича, ҳар қандай имплицит (белгиланмаган) нутқ акти семантик даражада ўзига тўғри келадиган эксплицит (белгиланган) нутқ актига эга. Бу - the performative hypothesis перфоматив гипотеза сифатида маълумдир.

Иллокутив актни нутқ актлари назариясининг марказий тушунчаси деб ҳисоблаш мумкин. Иллокутив актнинг моҳияти унинг нутқ актида иллокутив куч сифатида намоён бўлишидир. Жон Остиннинг нутқ актлари назариясини фаол ривожлантирган Ж. Сёрл ўз назариясини ҳам ишлаб чиқди ва иллокутив куч ҳосил бўлишининг муҳим ҳолатларини кўрсатиб ўтди. Мулоқотнинг интенционал аспекти амалга ошириб, гапирувчи биринчи навбатда конвенционал шароитлардан келиб чиқади, чунки маълум натижага эришиш учун у адресатни “бу натижани олиш борасидаги ўз қароридан хабардор қилиши” шарт [28:160].

Маълум тил воситаларини, хусусан, уюшган бўлакларни ишлатиш билан гапирувчи адресант а) коммуникатив мақсадлардан, б) мулоқотнинг шунга мувофиқ қоидалари ўзаро муносабатларидан келиб чиқади.

Бир томондан интенционал, бошқа томондан конвенционал ўзаро муносабатларда Ж. Сёрл бу назариянинг тушунчалилик аппаратида

фойдаланиш билан мулоқотнинг таҳлил перспективасини назарда тутди [28]. У шунингдек, иллокутив кучнинг уч асосий факторини ажратган:

1). Иллокутив мақсад. Бунда Сёрль иллокуциянинг конкрет тури мазмунини назарда тутди [28]. Бу фактор иллокуцияни бевосита ифодалайдиган, қандайдир фикрда қатъий туриб олиш, нима биландир таҳдид қилиш, ҳоҳламаслик, нафратланиш, ҳайратланиш, маъқуллаш ва ҳоказоларни ифодалаш мазмуни билан боғлиқ.

2). Гап ва олам ўртасидаги мослашиш йўналиши. Ж. Сёрль назарда тутдики, “баъзи иллокуцияларда иллокутив мақсад сифатида сўзларнинг (аникроғи пропозиционал мазмун) оламга мувофиқ келиши мақсадига эга бўлиши, бошқа иллокуцияларда оламнинг сўзларга мос келиши мақсадига эга бўлиши керак” [28:172].

3). Самимийлик шарти ёки коммуникантларнинг психологик ҳолатларида ифодаланган хилма-хиллик. Бу ерда Сёрль Г. П. Грайснинг машҳур Кооперация Принципларидан [11] бири бўлган сифат категорияси тушунчасига яқин келади. Агар коммуникантлардан бири ҳамкорлик қилишга қизиқмаса, у ёки мулоқотнинг самарадорлигини пасайтирадиган ёлғон гап айтиши, ёки мулоқот жараёнида ўзига хос бўлмаган роль ўйнаши мумкин.

Мураккаб нутқ актларини тадқиқ қилаётиб, Ж. Сёрль ва Д. Вандервекен иллокутив кучнинг яна бир муҳим характеристикасига эътиборни қаратади. Бу – интенсивлик, иллокутив мақсад ва самимийлик шартлари ифодаланган интенсивликдир [45:251-252]. Иллокутив кучнинг бу компоненти коммуникатив дискурс таҳлили ва мураккаб таркибли тузилмалар (уюшган гаплар) нинг прагматик-коммуникатив характеристикалари тадқиқи учун жуда муҳимдир. Қуйидаги мисолда мураккаб тузилмалар умумий директив иллокутив кучни ифодалашини кўрамыз.

“Goddam right”, Stradlater said. He was too conceited. “No kidding now. Do that composition for me. Don’t knock yourself out or anything, but just make it

descriptive as **hell**. Okay!” (J.P.Salinger “The Catcher in the Rye”, p.29).

Ж. Сёрль таъкидлашича, нуткий акт билан гапирувчи у ёки бу психологик ҳолатни ифодалайди.

2.3. Сўзлашув дискурси таҳлили

Бирмингем университетида сўзлашув дискурси таҳлили олиб борилди. Дастлабки тадқиқот сифатида мактаб синфхоналарида дискурс структураси ўрганилди [46]. Бирмингем модели дискурс таҳлилига бирдан-бир тўғри ёндашув бўлмаслиги мумкин, лекин у нутқ актларини ўрганиш билан боғлиқ бўлганлиги учун оддий ва катта аҳамиятга эгадир.

Синклеар ва Каулфард (Sinclair and Coulthard) мактаб синфхоналарида маҳаллий гапирувчилар тилида учрайдиган намунани таҳлил қилдилар, ўқитувчи ва ўқувчилар ўз роллари бўйича гапиришганда уларнинг суҳбати жуда ҳам структурланган кўринишга эга.

(T = teacher, P = any pupil who speaks)

T: Now then . . . I've got some things here, too. Hands up. What's that, what is it? P: Saw.

T: It's a saw, yes this is a saw. What do we do with a saw?

P: Cut wood.

T: Yes. You're shouting out though. What do we do with a saw? Marvelette.

P: Cut wood.

T: We cut wood. And, erm, what do we do with a hacksaw, this hacksaw? P: Cut trees.

T: Do we cut trees with this? P: No. No.

T: Hands up. What do we do with this? P: Cut wood.

T: Do we cut wood with this? P: No.

T: What do we do with that then?

P: Cut wood.

T: We cut wood with that. What do we do with that? P: Sir.

T: Cleveland. P: Metal. T: We cut metal. Yes we cut metal. And, er, I've got this here.

What's that? Trevor.

P: An axe.

T: It's an axe yes. What do I cut with the axe?

P: Wood, wood.

T: Yes I cut wood with the axe. Right . . . Now then, I've got some more things here . . . (etc.)

(Sinclair and Coulthard 1975: 93-4)

Бу фақат кичик бир парча. Бу парчадаги намуна билан ҳар бир киши мактаб йилларидан таниш. Бунда биз интуитив равишда пайқайдиган биринчи нарса шуки, у каттароқ (яъни “дарс”) дискурсининг қисми, ва у тугалланганликка эга бўлиб кўринади. Ўқитувчи дискурсни 'Now then . . .' билан бошлайди ва 'Right. . . Now then' билан тугаллайди. Ўқитувчи дарсининг бир қисмидан иккинчи қисмига паузасиз ўтмайди. У ўқувчиларига ҳар бир фазанинг бошланиши ва охири ҳақида now then ва right сўзларини ўзига хос интонация билан қўллаб, сигнал беради. Уларни савол ва жавоблардан иборат парчанинг ҳар икки томонида фрейм (frame) ларга айлантиради. Синклеар ва Каулфард бундай гаплар вазифасини framing move лар деб атайдилар. Иккита framing move, улар ўртасидаги савол-жавоблар кетма-кетлиги. Буни улар transaction деб атадилар. Бунда тил воситасида нима бажарилаяпти деган савол пайдо бўлади. Ушбу синфхона сўзлашуви парчаси жуда структурланган ва формалдир, бундай турдаги фреймлар бошқа бир қанча вазиятларда ҳам умумий бўлиши мумкин. Ишга ўтишдаги суҳбат (job interview), телефон сўзлашувлари, инглиз тилида ишлатиладиган фреймлар (framing transactions) чекланган (масалан, right, okay, so, etc.).

Синфхона сўзлашувида Синклеар ва Каулфард уларнинг структурасини кўрсатишади. Парчага қараб, биз шундай намуна кўрамиз. 1. Ўқитувчи ниманидир сўрайди (What's that?), 2. Ўқувчи жавоб беради ('An axe'), 3. Ўқитувчи жавобни тасдиқлайди ва изоҳлайди ('It's an axe, yes'). (1), (2), (3)

намунаси кейин такрорланади. Бу намунани қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

1. Ask T
2. Answer P
3. Comment T

Бу кейин бизга TPT-TPT-TPT-TPT ва ҳок.мунтазам структурасини беради. Улар орасидаги чегараларни қуйидагича белгилашимиз мумкин:

(/ = T/P/T // = TPT//TPT//TPT)

T: Now then . . . I've got some things here, too. Hands up. What's that, what is it? / P: Saw. /

T: It's a saw, yes this is a saw. // What do we do with a saw? / P: Cut wood. / T: Yes. You're shouting out though. // What do we do with a saw? Marvelette. / P: Cut wood. / T: We cut wood. // And, erm, what do we do with . . . etc.

Типик сегментни икки дроб билан ажратамиз (/) ва уни ўз тасвирлашимизда асосий бирлик сифатида фойдаланамиз.

T: // What do we do with a saw? Marvelette. /

P: Cut wood. /

T: We cut wood. //

Синклеар ва Каулфард бу бирликни exchange деб аташади. Бу ўзига хос exchange савол, жавоб ва изохдан иборат. Шундай қилиб, бу уч қисмли exchange. Ҳар бир қисмни Синклеар ва Каулфард move деб ном беришди. Қуйида бир қанча exchange ларга мисоллар, ҳар бири уч move лардан иборат:

1. A: What time is it?

B: Six thirty.

A: Thanks.

2. A: Tim's coming tomorrow.

B: Oh yeah.

A: Yes.

3. A: Here, hold this.

B: (takes the box)

A: Thanks.

Ҳар бир exchange лар уч move дан иборат, лекин (1) даги биринчи move савол вазифасини бажараяпти (What time is it?), (2) exchange даги биринчи move хабар бериш, (3) дагиси эса буйруқ беришни билдираяпти. Иккинчи move лар (1) чисида жавоб, (2) чисида тасдиқлаш, (3) чисида сўзсиз жавоб. Учинчи move лар (1) чисида миннатдорчилик билдириб, раҳмат айтиш, (2) чисида хабарни тасдиқлаш, (3) чисида яна раҳмат айтишдан иборат. Синклеар ва Каулфард [1975: 26-7] ҳар бир exchange да биринчи move ларни очувчи (opening move), иккинчи move ларни answering move, учинчи move ларни эса response ёки follow up move деб аташади.

Ушбу таснифдабу учта move ларни initiation, response, ва follow up деб атаймиз.

Move	Exchange 1	Exchange 2	Exchange 3
Initiation	A: What time is it?	A:Tim's coming tomorrow.	A:Here, hold this.
Response	B: Six-thirty.	B:Oh yeah.	B:(takes the box)
Follow-up	A: Thanks.	A:Yes.	A: Thanks.

Бу фикр алмашувлар (exchange) ларда биз ҳар бир move нинг бутун функционал бирликда аҳамиятини кўриб турибмиз. Ҳар бир фикр алмашув гап, савол ёки буйруқ билан ташаббус кўрсатиб бошланиши керак. Табиийки, кимдир савол ёки ҳаракат билан жавоб беради. Follow-up move нинг статуси бир оз бошқачароқ. Синфда у муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларга ўқитувчи улардан нимани хоҳлашини айтиш учун, бошқа вазиятларда хушмуомалаликни билдириши мумкин, follow up элементлари қуйидаги испан тилидан олинган мисолдагидек, узайиб кетиши ҳам мумкин:

A: Oiga, por favor, ique hora es?

B: Las cinco y media.

A: Gracias.

B: De nada.

Кўпчилик бошқа ҳолатларда жавоб (response) дан кейинги гап follow up бўлмай шунчаки суҳбатни янада давом эттириш учун айтилиши мумкин:

A: Did you see Malcolm?

B: Yes.

A: What did he say about Brazil?

B: Oh he said he's going next month.

A: Did he mention the party?

B: No.

A: Funny . . . (etc.)

2.4. Матнда грамматик боғланишлар ва матннинг шаклланиши

Оғзаки ва ёзма дискурс алоҳида гаплар ва фикрлар ўртасида грамматик боғланишларни намоён қилади. Бундай грамматик боғланишлар референция *reference*, эллипсис *ellipsis*, ўрин алмаштириш *substitution*, ва боғловчи *conjunction* тушунчалари остида таснифланиши мумкин.

Референция

Инглиз тилида референция олмошлар (he, she, it, him, they ва ҳок.), кўрсатиш олмошлари (this, that, these, those), аниқ артикль the, ва such а га ўхшаш бирликларни ўз ичига олади. Уларнинг тўлиқ рўйхати Hallida ва Hassan китобида берилган [48:37-9].

Машҳур инглиз ёзувчиси Томас Ҳардининг Jude the Obscure романидаги дастлабки мисраларда референциянинг ҳар хил турларига кўплаб мисоллар топиш мумкин.

The schoolmaster was leaving *the* village, and *everybody* seemed sorry. The miller at Cresscombe lent *him* the small white tilted cart and horse to carry *his* goods to *the* city of his destination, about twenty miles off, *such a* vehicle proving of quite sufficient size for *the* departing teacher's effects.

Курсивдаги сўзларнинг матнда бошқа сўзларга алоқаси бор. 'lent him the small white tilted cart' жумласидаги him олдинги гапдаги the schoolmaster га тегишли. Шунга ўхшаш his destination the schoolmaster's ни билдиради.

Him va his нинг рефрентларини матнда ортга (олдинги жумлада, гапда) қараб топиш мумкин. Бу анафора референция деб аталади. Such а ҳам олдинги гапдаги the cart билан боғланган. Роман қишлоқни тарқ этаётган ўқитувчи the schoolmaster билан бошланади. Қайси ўқитувчи?, қайси қишлоқ? Романнинг олдинги саҳифасидаги иккита сўз ёлғиз турибди. At Marygreen. Биз асосли равишда тушунамизки, Marygreen қишлоқнинг номи, ва қаҳрамон ҳам қишлоқ ўқитувчиси. Биз бу ерда рефрентларни аниқлаш учун матндан ташқари ҳам кўп нарсаларга мурожаат қилаяпмиз. Муаллиф биздан матндан ташқарида мавжуд бўлган, унинг тасаввуридаги типик қишлоқлар, яъни ўқитувчилари ва тегирмончилари билан мавжуд бўлган қишлоқларни тушунишимизни кутади. Матндан ташқаридаги дунёларни тасаввур қилиб англаш, фараз қилиш экзофорик референция дейилади. Чунки улар матн ичида берилмаган, улар ҳақиқатда коҳесив (матн қисмларини боғловчи) эмас, лекин улар когерентликни таъминлашда ўқувчи/тингловчи фаол ролининг муҳим бир қисми, улар матн гапларнинг шунчаки тасодифий тўплами, йиғиндиси эмас, балки тўлиқ маънодаги матн бўлишини таъминловчи воситалардир. Энди *they* олмошли референцияга мисол келтирамыз:

They pressed round him in ragged fashion to take their money.

Andy, Dave, Phil, Stephen, Bob.

(Graham Swift, *The Sweet Shop Owner*, Penguin Books Limited, 1983: 13)

Бу парчада на анафорик, ва на экзофорик референция *they* олмошининг референтини кўрсатади, *they* нинг референтини топиш учун матнни яна ўқишда давом этишимиз керак. Иккинчи гапда бу олмош кимларни назарда тутганлиги маълум бўлади. Бу турдаги референция катафорик референция дейилади.

She claims Leo Tolstoy as a distant cousin. Her grandfather was Alexei Tolstoy - the famous 'Red Count' who sided with Lenin's revolutionaries. Now, Tatyana Tolstaya has put pen to paper, in her case to demonstrate that someone from the family can write compactly. In her stories of ten to twelve

typewritten pages, 'I somehow try to show the whole life of a person from birth to death,' she says.

(Newsweek, 21 September 1987: 12)

She кимни назарда тутаетганлигини иккинчи гапни ўқимагунча тушуна олмаймиз. Катафорик референс кейин келадиган гапларга ҳавола қилинади. Аниқ артикль ҳам катафорик референсда қўлланиши мумкин.

The trip would hardly have been noteworthy, except for the man who made it. In mid-July a powerful American financier flew to Mexico City for a series of talks with high-level government officials, including President Miguel de la Madrid and his finance minister, Gustavo Petricioli.

(Newsweek, 21 September 1987: 44)

Катафорик референсга иккала мисол ҳам Newsweek нинг бир сонидан олинди. Катафорик референс ўқувчини матнни яна ўқишда давом этиб, хабарни топишга ундайди. Янгиликлар хабар қилинган ҳикояларда ва бадиий адабиётда катафорик референс матннинг биринчи (очувчи) гапларида учрайди.

It has often been compared to New Orleans's Mardi Gras as an outdoor celebration. Certainly New York's Mulberry Street and surrounding blocks have been as crowded over the last few days as Royal and Bourbon Streets in the French Quarter are for the Mardi Gras. More than three million people are estimated to have celebrated the 61st annual Feast of the San Gennaro down in Greenwich Village since it began on Thursday.

(The Guardian, 15 September 1987: 23)

Биринчи гапдаги it олмоши учинчи гапдаги the 61st annual feast of the San Gennaro га тегишли.

Яна бир мисол.

It rained day and night for two weeks. The basement flooded and everything was under water. It spoilt all our calculations.

Бу ерда it олмоши 'the events of two weeks', яъни икки ҳафталик воқеаларни ёки ёмғир ёққанлиги ва сув тошқини бўлганлиги фактини билдираяпти.

Шунинг учун itолмоши алоҳида бир тушунчани эмас, бутун бир ситуацияни англатаяпти.

A pioneering 'school-based management' program in Miami-Dade County's 260 schools has also put some budget, salary and personnel decisions in the hands of local councils, composed largely of teachers. 'It's a recognition that our voices and input are important,' says junior highschool teacher Ann Colman. (Newsweek, 17 October 1988: 23)

Бу матнда it биринчи гапда тасвирланган бутун ситуацияни билдираяпти. It нинг референти бутун ситуация.

Like the idea of deterring burglars with a big, ferocious hound – but can't stand dogs? For around J45 you can buy an automatic dog barking unit - Guard God, or the Boston Bulldog, both available by mail order from catalogues like the ones you're sent with credit card statements. You plug it in near the front door and its built-in microphone detects sharp noises.

(Which? October 1988: 485)

It олмоши автоматик ит хурувчи курилма automatic barking dog unit га тегишли, ва учта отли фразанинг ҳоҳланган биттаси билан ўрин алмаштириши мумкин: '(the) automatic dog barking unit', 'Guard dog', ёки 'the Boston Bulldog'.

Эллипсис Ellipsis грамматик жиҳатдан нормал ҳолда талаб қилинган элементларнинг тушиб қолиши. Инглиз тилида эллипсиснинг уч тури: номинал (отли), вербал (феълли), гап эллипсислар кузатилади. Отли эллипсисда от элемент тушиб қолади.

Nelly liked the green tiles, myself I preferred the blue.

Роман-герман тилларида бу типдаги эллипсислар кўп учрайди ва инглиз тилини ўрганувчиларга кўп қийинчилик туғдирмайди. Эллипсисда феълли гуруҳларнинг тушиб қолиши кўп муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Thomas (1987) феълли гуруҳлар тушиб қолишининг икки турини echoing ва auxiliary contrasting деб атаydi.

A: Will anyone be waiting?

B: Jim will, I should think.

Contrasting ёрдамчи феъл ўзгариши билан содир бўлади:

A: Has she remarried?

B: No, but she will one day, I'm sure.

Томас яна таъкидлайдики, эллипсиснинг турли даражалари айни бир феълли гуруҳда учраши мумкин.

A: Should any one have been told?

B: John should,
 should have,
 should have been.

Бу вариантларни бошқа тилларга тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмайди ва уларни ўрганиш талаб этилади.

. 1. Most students start each term with an award cheque. But by the time accommodation and food are paid for, books are bought, trips taken home and a bit of social life lived, it usually looks pretty emaciated.

(Advertisement for Barclays Bank, University of Birmingham Bulletin, 5 December 1988: 5)

2. 'You like watching children . . . ?' her tone seemed to say: 'You're like a child yourself.'

'Yes. Don't you?' His cheek was full of cheese sandwich. She didn't answer; only looked at the swings with anxiety.

'I sometimes wish,' he said, trying hard to empty his mouth, 'I could join in myself.'

'But you wouldn't?'

'Why not?' He saw the sudden challenge in her eyes. And was that a smile somewhere in that held-aloft face?

'Well, if you feel that way . . . ?'

' — why don't you?'

'Why don't I?'

(Graham Swift, The Sweet Shop Owner, Penguin Books Limited, 1986: 27)

Биринчи матнда эллипсис ‘Trips (are) taken home’; ‘social life (is) lived’
Иккинчи матнда ‘Yes, don’t you (like watching the children)?’; ‘(she) only
looked at the swings’; ‘But you wouldn’t (join in)?’; ‘Why don’t you (join in)?’;
‘Why don’t I (join in)?’.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Дискурс таҳлил матнга бир томонлама ёндашув эмас. У предикат таҳлил (Эдвард Саид), метафорик таҳлил (Ж. Лакофф, М. Жонсон), деконструкция (Ж. Деррида), ва генеалогия (М. Фокольт) га бўлинади. М. Стаббснинг ёзишича, дискурс таҳлил 1) тилнинг гап / нутқ бўлаги ҳудудларидан ташқарида қўлланилиши, 2) тил ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар (тилнинг ижтимоий контекстда ишлатилиши), 3) интерактив ва сўзлашув мулоқотининг диалогик хусусиятлари билан иш қўради.

- Дискурс таҳлил гапнинг грамматик ва семантик таҳлилларига карама-қарши равишда уларни “нутқ бўлаги”, матн”, “нутқий ҳодисалар” таҳлили даражасига қўтарган таҳлилдир.

- Дискурс таҳлил тил қўлланилишини ижтимоий ҳаракатлар (нутқ актлари) сифатида, ролли ижро (лисоний ўйинлар) сифатида, ижтимоий алоқалар ва ўзига хослик, ҳокимият, куч, тенгсизликлар ва ижтимоий курашлар сифатида, тил фақат “структуралар” эмас, “амалиётлар” нинг муҳим кўриниши сифатида тушунтиради. (Биз дунёни пассив тасвирлашдан кўра, уни тилимиз билан курамыз) [2].

Иккинчидан, Милликеннинг ёзишича, дискурс “ижтимоий реалликни барпо этадиган белгилар структураси”дир. Бунда “нарсалар маъно англатмайди (моддий борлиқ маъно ифодаламайди), кишилар белги тизимларидан фойдаланиб, лисоний воситалар орқали (кўп ҳолларда) нарсаларнинг маъносини тузади”. Милликен тушунтирадики, дискурсниң ўзи субъектларни пайдо қиладиган, уларга гапириш ва ҳаракат қилиш ваколатини берадиган, турли билим амалиётларини шакллантирадиган, фикрлашнинг ва сиёсат қилишнинг турли йўлларини рағбатлантирадиган продуктив тизимдир.

Учинчидан, дискурс таҳлил “билимнинг бошқа шакллариини бўйсундириш ёки истисно қилиш орқали устун доминант маъноларни ўрнатадиган ва стабиллаштирадиган” ҳаракатлар сифатида тавсифланади.

Шунга асосланиб, Милликен таъкидлайди, дискурс таҳлил устун дискурснинг ваколатли гапирувчи/ёзувчилари бўлган турли кишилар томонидан фарз қилинган матнларга асосланган бўлиши лозим ёки муқобил дискурслар асосида фикрлаш ва ҳаракатланиш керак.

Дискурс таҳлил ва нутқ актлари ҳақида гапирсак, нутқ акти тил ва мулоқотда перформатив вазифага эга бўлган гапдир. Инглиз тилшуноси ва файласуфи Жон Остин инглиз тилидаги гапларни констатив ва перформатив гапларга бўлади. У перформатив гапларни нутқ актлари қаторига қўшди. Констатив гаплар бирор бир нарсани матндан ташқарида (узилган ҳолатда) тасвирлайди ва уларга true (тўғри), false (нотўғри) деб муносабат билдириш мумкин. Констатив гаплар семантика, грамматика ва синтаксисда ўрганилади, таҳлил қилинади. Ж. Остин ўзининг “How to do things with words”(Сўзларни қандай қўллаш керак?) китобида перформатив гаплар тушунчасини киритди. Бундай гаплар True (тўғри), ёки false (нотўғри) деб айтиб бўлмайдиган, лекин айтилиши билан маълум бир ижтимоий эффект ҳосил қиладиган гаплардир. Масалан, “I promise to do it by tomorrow”. Бу гапни айтиш билан сиз ҳаракат ҳам бажарасиз. Перформатив гаплар кутилган эффект, самарага эга бўлиши учун маълум ижтимоий ва маданий талабларга жавоб бериши керак. Бу талаблар felicity conditions (мувофиқлик, жўялилик шартлари) деб ҳам аталади.

1. Умумий шартлар. General conditions. Гапирувчи ва эшитувчи ишлатилаётган тилни тушунишлари керак, улар пьеса ижро этишаётгани йўқ ёки мазмунсиз сўзларни қўллашмаяпти.

2. Мазмунлилик шарти. Content conditions. Айтилган сўз, гап мазмуни гапирувчи қарори билан мос бўлиши керак. Шунинг учун, масалан, ваъда бериш ёки огоҳлантиришда сўзловчининг гапи фақат келаси замонда берилиши мумкин, чунки ваъда бериш ва огоҳлантириш келаси замонга тегишли. Қиёслаймиз: I promise to do it tomorrow. vs. I promise to do it now.

3.Тайёргарлик шартлари. Preparatory conditions. Гапирувчи нутқ актини бажаришга қодир. Унинг бу ҳаракатни бажаришга ваколати бор. Эшитувчи (адресат) гапирувчи ваъда қилган актни бажаради деб ишонади.

4.Самимийлик шарти. Sincerety condition. Эшитувчи гапирувчи айтган актни (нутқ актини) бажаришини чин кўнгилдан ҳоҳлайди.

5.Зарурий шарт.Essential condition. Маълум бир конкрет жамиятда (дўстлар орасида) одатда “ваъда”га вафо қилинади ва сўзловчилар буни яхши биладилар.

Нутқ актлари ижтимоий актлардир.Улар (биз кузатадиган) ташқи дунёни пассив тасвирламайди, балки улар айтиш орқали бу реалликни дунёга келтиради. Юқоридаги фикрларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, дискурс таҳлил структур тилшуносликка нисбатан танқидий таҳлилдир.

ХУЛОСА

Дискурс таҳлил тил ва у ишлатилган контекстлар ўртасидаги боғлиқлик, алоқаларни ўрганади. У 1960 ва 1970 йилларнинг бошларида тилшунослик, семиотика, психология, антропология ва социология каби турли фанлар соҳасидаги изланишлардан келиб чиқди.

Дискурс таҳлилчилар тилни ишлатилишда, ҳар қандай турдаги ёзма ва оғзаки матнлар, сўзлашувдан тортиб юқори даражадаги институционаллашган нутқларни ўрганади.

Бир вақтлар тилшунослик фақат гапларнинг таҳлили билан шуғулланган пайтларда Британиялик Зилиг Ҳаррис 1952 йилда “Дискурс таҳлил” номли илмий мақоласини эълон қилди. Гарчи бу мақола биз бугун дуч келаётганимиз дискурс таҳлилдан анча йироқ бўлса-да, у ўз вақтида узунроқ матнлардаги лисоний элементларнинг жойлашуви, матн ва у ишлатилган ижтимоий ситуациялар ўртасидаги боғлиқликни ўрганган эди. Тил файласуфлари Остин (1962), Сёрл (1969), ва Грайс (1975) лар ҳам тилни ижтимоий ҳаракат деб қараб, ўз қарашларини нутқ актлари назариясида акс эттирдилар, сўзлашув максимларини тадқиқ қилдилар ва бу билан контекстдаги маънони ўрганадиган прагматикани шакллантирдилар.

Британияда дискурс таҳлил Хэллидейнинг тилга функционал ёндашувидан бошланди, унинг ўз навбатида Прага лингвистика мактаби билан алоқалари бор эди. Хэллидейнинг тадқиқоти тилнинг ижтимоий функцияларига урғу бериш, нутқ ва ёзувнинг тематик ва информатив структураси. Бирмингем университети профессорлари Синклэр ва Каулфардларнинг (Sinclair and Coulthard) дискурс бирликлари иерархиясига асосланган ўқитувчи-ўқувчи сўзлашуви модели ҳам машҳур бўлди. Шунга ўхшаш ишлар врач-бемор мулоқоти, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги суҳбатлар, интервью, дебатлар, бизнес музокаралари, шунингдек, монологлар таҳлилида ҳам ўтказилди. Британия анъанасида дискурсда интонация (оҳанг) бўйича ҳам ажойиб ишлар қилинди.

Америка дискурс таҳлилида табиий муҳитларда кишилар гуруҳининг мулоқотини кузатиш тадқиқ методига урғу берадиган этнометодологик анъана устунлик қилади. У ҳикоя сўзлаш, саломлашув, турли маданий-ижтимоий муҳитларда сўзлаш ритуалларини ўрганади (маслан, Gumpers and Hymes 1972). Америка анъанасида сўзлашув таҳлили деб аталадиган таҳлилни ҳам дискурс таҳлил доирасига киритиш мумкин. Сўзлашув таҳлилида структур моделлар қурилишига урғу берилмасдан, балки суҳбат жараёнида сўзлашув қатнашчиларининг ўзини тутишларини кузатишга асосий эътибор берилади. Goffman (1976-1979), Sacks, Schegloff, Jefferson (1974) ишларда сўзлашув нормалари, навбат билан сўзлаш (turn-taking) ҳамда сўзлашув мулоқотининг бошқа аспектлари ўрганилади.

Дискурс таҳлил матнга бир томонлама ёндашув эмас. У предикат таҳлил (Эдвард Саид), метафорик таҳлил (Ж. Лакофф, М. Жонсон), деконструкция (Ж. Деррида), ва генеалогия (М. Фокольт) га бўлинади. М. Стаббснинг ёзишича, дискурс таҳлил 1) тилнинг гап / нутқ бўлаги ҳудудларидан ташқарида қўлланилиши, 2) тил ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар (тилнинг ижтимоий контекстда ишлатилиши), 3) интерактив ва сўзлашув мулоқотининг диалогик хусусиятлари билан иш қўради.

- Дискурс таҳлил гапнинг грамматик ва семантик таҳлилларига қарама-қарши равишда уларни “нутқ бўлаги”, матн”, “нутқий ҳодисалар” таҳлили даражасига қўтарган таҳлилдир.

- Дискурс таҳлил тил қўлланилишини ижтимоий ҳаракатлар (нутқ актлари) сифатида, ролли ижро (лисоний ўйинлар) сифатида, ижтимоий алоқалар ва ўзига хослик, ҳокимият, куч, тенгсизликлар ва ижтимоий қурашлар сифатида, тил фақат “структуралар” эмас, “амалиётлар” нинг муҳим кўриниши сифатида тушунтиради. (Биз дунёни пассив тасвирлашдан кўра, уни тилимиз билан қурамыз).

Иккинчидан, Милликеннинг ёзишича, дискурс “ижтимоий реалликни барпо этадиган белгилар структураси”дир. Бунда “нарсалар маъно англатмайди (моддий борлиқ маъно ифодаламайди), кишилар белги

тизимларидан фойдаланиб, лисоний воситалар орқали (кўп ҳолларда) нарсаларнинг маъносини тузади”. Милликен тушунтирадики, дискурснинг ўзи субъектларни пайдо қиладиган, уларга гапириш ва ҳаракат қилиш ваколатини берадиган, турли билим амалиётларини шакллантирадиган, фикрлашнинг ва сиёсат қилишнинг турли йўллари рағбатлантирадиган продуктив тизимдир.

Учинчидан, дискурс таҳлил “билимнинг бошқа шакллари бўйсундириш ёки истисно қилиш орқали устун доминант маъноларни ўрнатадиган ва стабиллаштирадиган” ҳаракатлар сифатида тавсифланади. Шунга асосланиб, Милликен таъкидлайди, дискурс таҳлил устун дискурснинг ваколатли гапирувчи/ёзувчилари бўлган турли кишилар томонидан фараз қилинган матнларга асосланган бўлиши лозим ёки муқобил дискурслар асосида фикрлаш ва ҳаракатланиш керак.

Нутқ актлари назарияси Британия философи Жон Остин номи билан боғланган. Унинг ўлимидан сўнг 1962 йилда нашр этилган *How to Do Things with Words* ? (Сўзларни қандай қўллаш керак?) асари тилни ўрганишга янгича ёндашувни бошлаб берди. Бу китобда Ж. Остин тилнинг асосий вазифаси фактларни қайд этишдир, деган қарашни олға суради. Ўз даврида устун бўлган бу қарашга кўра гаплар фактларнинг тўғри ёки нотўғрилигига асосланган. Масалан, *I name the ship Titanic* типигаги гаплар уларнинг тўғри келадиган ёки тўғри келмайдиган (жоиз ёки ножоиз) эканлигига қараб таҳлил қилинган. Ушбу гапни кемани қурган киши ёки конструктор айтсагина, у нутқ акти ёки иллокутив кучга эга гап бўлар эди. Тўғри келадиган (жоиз) ва тўғри келмайдиган (ножоиз) гаплар деб шунга айтилади. Лаэнснинг фикрига кўра, гаплар бирор нарса ҳақиқатда нима эканлигини айтишдан кўра бирор нарса бажариш учун ишлатилади. Остиннинг фикрича, гапириш тил орқали ҳаракат қилишдир. Гаплар “бажарадиган” ҳаракат кейинроқ Америкалик философ Жон Сёрл термини билан иллокутив акт ёки нутқ акти дейилган. *I name the ship Titanic* мисолига қайтсак, сўзловчи кемани *Titanic* деб номлайди. Агар сўзловчи *Go!* деса,

тингловчига боришни буюради. Hi, John сўзлари билан гапирувчи саломлашув актини бажаради.

Жон Остин инглиз тилидаги гапларни констатив ва перформатив гапларга бўлади. У перформатив гапларни нутқ актлари қаторига қўшди. Констатив гаплар етарли даражада нутқ актлари эмас. Бироқ у кейинроқ тушуниб етдики, бундай гапларнинг жуда кўпчилиги перформатив функцияни бажаради. “Saying (or asserting) that something is so is itself a kind of doing”.

Ж. Остин перформатив гапларни эксплицит бўлмаган ва эксплицит (белгиланган) перформатив гапларга бўлади.

I'll be there at two o'clock. (эксплицит бўлмаган перформатив)

I promise to be there at two o'clock. (эксплицит перформатив).

Эксплицит перформатив гаплар перформатив (promise, state, order, ask, etc.)

феъллар билан ишлатилади.

Бундай нутқ актлари перформатив бўлмаган нутқ актларига нисбатан кўпроқ спецификдир. Сўзловчи I promise to be there at two o'clock деса, у ваъда берганлигини кейинроқ инкор этолмайди. Лекин у I'll be there at two o'clock деб айтса, ҳеч бир ваъда берилмаганлигини рўқач қилиши, шунчаки у ерга боришни мўлжал қилганман дейиши мумкин (Lyons, 728). Шу нарсани айтиш муҳимки, эксплицит перформатив гаплар эгаси биринчи шахс, феъли ўтган замон оддий феъли билан декларатив гап шаклида бўлади. The earth is round. vs. I tell you that the earth is round.

Нутқ актлари назарияси Жон Сёрл томонидан ривожлантирилиб, у an indirect speech act (билвосита нутқ акти) тушунасини киритди. An indirect speech act (билвосита нутқ акти) орқали сўзловчи ўзи ифодалаган сўзлардан кўпроқ тушунчани тингловчига етказди. Масалан, Can you wash the dishes?

Бу структуранинг икки маъноси бор: бевосита ва билвосита. Тўғридан – тўғри (бевосита) маъноси “Are you able to wash the dishes?”, билвосита (кўчма) маъноси эса “wash the dishes!” бўлади. Бунга жавобан тингловчи онгли равишда гапнинг тўғри маъносига эътиборни қаратади ва шундай

мазмунда жавоб беради. “Of course, I can also wash the shirts. My mother has taught me many things to do”.

Нутқ актлари ижтимоий актлардир. Улар (биз кузатадиган) ташқи дунёни пассив тасвирламайди, балки улар айтиш орқали бу реалликни дунёга келтиради. Юқоридаги фикрларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, дискурс таҳлил структур тилшуносликка нисбатан танқидий таҳлилдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт-пировард максадимиз. -Т.: Ўзбекистон 2000.-86 б.
2. Богданов В.В. Речевое общение. Прагматическое и семантические аспекты. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. – 88 с.
3. Бондарко А.В. К теории функциональной грамматики // Проблемы функциональной грамматики. –М.: Наука, 1985.
4. Раҳимов С. Проблема дейксиса как категории типологической лингвистики. Автореф. дисс...докт. филол. наук.. – 1990. -45 с.
5. Орифхонова Ш. Ўзбек тилида градуномия. Филол.фан. номзод....дисс. автореф. Т.: ТДУ, 1995. – 19 б.
6. Неъматов Ҳ. Она тили – миллий онг манбаи // “Маърифат” газетаси, 20.10.2001.
7. Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. М.: Прогресс, 1989. - 312 с.
8. Борботько В.Г. Элементы теории дискурса / В.Г.Борботько. – Киев: Вища школа, 1981. – 144 с.
9. Галкина- Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности в языке / Е.М.Галкина-Федорук // Сб.ст. по языкознанию: Профессору Московского университета акад. В.В.Виноградову. – М.: Изд –во Моск. ун-та, 1958. – С. 103-124.
10. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования / И.Р.Гальперин. – М.: Наука, 1981. – 140 с.
11. Грайс Г.П. Логика и речевое общение / Г.П.Грайс // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1985. - Вып.16. – С. 217 – 250.
12. Демьянков В.З. “Событие” в семантике, прагматике и в координатах интерпретации текста / В.З.Демьянков // Изв. АН СССР. Сер. лит. и языка, 1983. – № 4. – С. 320 – 329.

13. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода / В.З.Демьянков // Вопросы языкознания. - 1994. – № 4. - С.17 – 33.
14. Демьянков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века / В.З.Демьянков // Язык и наука конца XX века. – М.: Российский госуд. гуманит. университет, 1995. – С. 239 – 320.
15. Еемеерен ван Ф. Аргументация, коммуникация и ошибки / Ф. ван Еемеерен, Р.Гроотендорст.– СПб.: “Васильевский остров”, 1992. –207 с.
16. Каплуненко А.М. Историко – функциональный аспект идиоматики (на материале фразеологии английского языка): Дис. ... д-ра. филол. наук: 10.02.04 / МГЛУ – Москва, 1992. – 351 с.
17. Зеленъшиков А.В. Пропозиция и модальность. –СПб.: Изд-во С. Петербургск. у-та, 1997. -141 с.
18. Каплуненко А.М. Историко – функциональный аспект английской идиоматики: Монография /А.М.Каплуненко. – Ташкент: Изд - во Ташкент. ГПИ им. Низами, 1991. – 126 с.
19. Лакофф Д. Метафоры, которыми мы живем / Д.Лакофф, М. Джонсон // Язык и моделирование социального взаимодействия. – М.: Наука, 1987. – С.126 – 170.
20. Лакофф Д. Метафоры, которыми мы живем / Д.Лакофф, М. Джонсон // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 387 – 415.
21. Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство /А.Ф.Лосев. – М.: Искусство, 1976. – 368 с.
22. Макаров М.Л. Интерпретативный анализ дискурса в малой группе / М.Л.Макаров. – Тверь: Изд-во Тверского госуд. университета, 1998. – 199 с.
23. Степанов Ю.С. Альтернативный мир, Дискурс, Факт и принцип Причинности / Ю.С.Степанов // Язык и наука конца XX века. – М.: Российский Государственный гуманитарный институт, 1995. – С. 35 – 73.

24. Степанов Ю.С. Язык и метод. К современной философии языка / Ю.С.Степанов. – М.: “Языки русской культуры”, 1998. – 784 с.
25. Тураева З.Я. Лингвистика текста: (Текст: структура и семантика). Учеб. пособие / З.Я.Тураева. – М.: Просвещение, 1986. – 126 с.
26. Фуко М. Археология знания / М.Фуко. – Киев: Ника – центр, 1996. – С. 207.
27. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике.-Вып. 17: Теория речевых актов. –М., 1986. –С.119.
28. Сёрль Дж.Р. Что такое речевой акт? // Новое в зарубежной лингвистике.-Вып. 17: Теория речевых актов. –М.: Прогресс, 1986. – С.318.
29. Макаров М.Л. Основы теории дискурса. – М., 2003. –С.135
30. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). Т.: Ўқитувчи. 1995. -230.
31. Михальская А.К. Педагогическая риторика: история и теория. – М., 1998. –С.32.
32. Степанов Ю.С. В поисках прагматики (Проблема субъекта) // “Литература и язык” -1981.-№ 4. –С. 325-332.
33. Столнейкер Р.С. Прагматика // Новое в зарубежной лингвистике.-Вып. 16: Лингвистическая прагматика. –М.,1985. –С. 419-438.
34. Махмудов Н. Проесуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 1986. № 6 , -Б.29.
35. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992. –Б. 159-160.
36. Beaugrande de R. The Story of Discourse Analysis / R. de Beaugrande // Discourse as Structure and Process. Discourse Studies: A Multidisciplinary Introduction. – London-Thousand Oaks – New Delhi: SAGE Publications, 1997. Vol.1. – P.35 – 63.
37. Dijk van T.A. The Study of Discourse. Discourse as Structure and Process. Discourse Studies: A Multidisciplinary Introduction / van T.A.Dijk. –

London – Thousand Oaks – New Delhi: SAGE Publications. – 1997. – Vol.1. – 352 p.

38. Eemeren van F.H. Fundamentals of Argumentation Theory. A Handbook of Historical Backgrounds and Contemporary Developments / van F.H. Eemeren, R.Grootendorst. – New Jersey: Lawrence Erlbaum Associates Publishers, 1996. – 397 p.

39. Halliday M.A. Cohesion in English / M.A.Halliday, R.Hasan. – London: Longman, 1976. – 374 p.

40. Hoey M. The Place of Clause Relational Analysis in Linguistic Description / M.Hoey // English Language Research Journal. - 1983/4. – Vol.4. – P. 1 – 32.

41. Leech G.N. Principles of Pragmatics / G.N.Leech. – London – New-York; Longman Linguistic Library, 1983. – 250 p.

42. Ostman J. Discourse analysis / J.Ostman, T.Virtanen // Handbook of Pragmatics. – Amsterdam, Philadelphia, 1995. – P. 239 – 253.

43. Rosch E. Family resemblances. Studies in the Internal Structure of Categories / E.Rosch, C.B.Mervis // Cognitive Psychology, 1975. – N3. – P. 573 – 605.

44. Sacks H. A Simplest Systematics for the Organization of Turn – taking for Conversation / H.Sacks, E.A.Schegloff, G.Jefferson // Language, 1974. - Vol.50. – P. 696 – 735.

45. Searle J. What is a Speech Act // The Philosophy of Language. London, 1971. - P.39-

46. Sinclair, J. McH., and R. M. Coulthard. 1975. Towards an Analysis of Discourse. Oxford: Oxford University Press. -265 p.

47. Harris, Z. 1952. Discourse analysis. Language, 28, 1-30.

48. Halliday, M. A. K., and R. Hasan. 1976. Cohesion in English. London: Longman.-250 p.

49. Gumperz, J. J., and D. Hymes. 1972. Directions in Sociolinguistics. New York: Holt, Rinehart and Winston. -205 p.

50. Hofmann, T. R. 1989. Paragraphs and Anaphora. *Journal of Pragmatics*, 13, 239-50.

51. Stubbs, Michael, 1983. *Discourse Analysis: The Sociolinguistic Analysis of Natural Language*. Oxford: Basil Blackwell. Oxford University Press. - 256 p.

52. Slembrouck, Stef. (1998-2003). What is meant by discourse analysis? Oxford University Press. - 150 p.

53. Milliken, Jennifer. 1999. "The Study of Discourse in International Relations: A Critique of Research and Methods." *European Journal of International Relations* 5 (2): 225–54.

54. Austin, John. 1962. *How to do things with words*. Oxford: Oxford University Press. – 206 p.

ФОЙДАЛАНИЛГАН БАДИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Christie A. *The Mysterious Affair at Styles* / A.Christie. – London: Cox and Wyman Ltd., 1978. – 190 p.

2. Coward N. *Plays* / N.Coward. – London: The Master Playwrights, 1979. – 482 p.

3. Cronin A.J. *The Citadel* / A.J.Cronin. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1957. – 421 p.

4. Cronin A.J. *Hatter's Castle* / A.J.Cronin. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1960. – 695 p.

5. Cronin A.J. *Shannon's Way* / A.J.Cronin. – London: Victor Gollanz Ltd, 1963. – 304 p.

6. Dickens Ch. *Posthumous Papers of the Pickwick Club* / Ch. Dickens. – Moscow: Co-operative Publishing Society of Foreign Workers, 1935. – 816 p.

7. Dickens Ch. *A Christmas Carol* / Ch. Dickens // *The Christmas Books*. – London: Penguin Books Ltd., 1994. – P. 1 – 76.

8. Dickens Ch. *Bleak House* / Ch. Dickens. – London: Wordsworth, 1993. – 723 p.

9. Dreiser Th. *An American Tragedy* / Th. Dreiser. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1951. - Vol 1. – 606 p.
10. DriserTh/ *An American Tragedy* / Th. Dreiser. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1951. -Vol 2. – 402 p.
11. Drury A. *Decision* / A.Drury. – New York: Pinnacle Books, INC. – 1984. – 532 p.
12. Galsworthy J. *The White Monkey* / J. Galsworthy. – Moscow: Progress Publishers, 1976. – 303 p.
13. Galsworthy J. *Maid in Waiting* / J.Galsworthy // *End of the Chapter*. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1960. – 601 p.
14. Green G. *The Comedians* / G.Green. –New York: The Viking Press, 1966. – 309 p.
15. Hemingway E. *A Farewell to Arms* / E.Hemingway. – London: David Campbell Publishers Ltd., 1993. – 320 p.
16. Heym S. *The Crusaders* / S.Heym. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1962. – 454 p.
17. Maugham W.S. *Then and Now* / W.S.Maugham. – London: William Heinemann Ltd, 1946. – 229 p.
18. Maugham W.S. *Don Fernando* / W.S.Maugham. – London: William Heinemann Ltd, 1952. – 251 p.
19. Maugham W.S. *Penelope* / W.S.Maugham // *Plays*. Vol.2. – Leipzig: Bernard Tauchnitz, 1974. – 326 p.
20. Maugham W.S. *The Bread – Winner* / W.S.Maugham // *Plays*. Vol.4. – Leipzig: Bernard Tauchnitz, 1974. – 303 p.
21. Maugham W.S. *Catalina* / W.S.Maugham. – London: William Heinemann Ltd., 1978. – 256 p.
22. Priestley J.B. *Three Men in New Suits* / J.B.Priestley. – New York: International Publishers, Co., 1975. – 170 p.
23. Salinger J.D. *The Catcher in the Rye* / J.D.Salinger. – London: Pengiun Books Ltd., 1994. – 192 p.